

**РЕСПУБЛИКА МАҢНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ КЕНГАШИ
МИЛЛИЙ ФОЯ ВА МАФКУРА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
МАРКАЗИ**

«2012 йил – Мустаҳкам оила йили»

**ОИЛАМ МУСТАҲКАМ БЎЛСИН,
ДЕСАНГИЗ...**



**MAJBURIY
ДЕРПУЛ НУСХА**

**«Сано-стандарт» нашриёти
Тошкент – 2012**

УДК: 37.018.1

КБК: 87.7 - *Энсикл*
O-37

Оилам мустаҳкам бўлсин, десангиз... / М.Қуронов,
О.Базаров; Республика Маънавият ва маърифат кенгаши
Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази. – Т.:
«Сано-стандарт» нашриёти. 2012. – 64 б.

ISBN 978-9943-396-92-0

УДК: 37.018.1

КБК: 87.7

Такризчилар:

Республика Маънавият тарзибот маркази раҳбари
Ғулом МИРЗАЕВ,


Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси
раисининг ўринбосари
Гулнора МАРУФОВА

Масъул муҳаррир:
Шавкат ТЎРАЕВ

10 41240
Dg/1

ISBN 978-9943-396-92-0

© «Сано-стандарт» нашриёти, 2012



Бизнинг давлатимизни ҳам катта бир оила деб тушуниш мумкин ва лозим. Бунда ўзаро ҳурмат ва қаттиқ тартиб бўлмаса, оиласинг барча аъзолари ўз бурчларини адo этмаса, бир-бирига нисбатан эзгулик билан меҳр-оқибат кўрсатмаса, яхши ва муносиб тарзда яшаш мумкин эмас.

Ислом КАРИМОВ

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ОИЛА ҲАҚИДА

Ўзбек халқининг яхши ҳикматлари борки, қайси оиласида бир кун жанжал бўлса, кирқ кун баракаси кочади, дейилади. Тўғри эмасми?¹

Хар бир ота-она учун фарзанд камоли, оиласининг шоншухрати муқаддас орзу-ҳавас ҳисобланади. Шундай экан, биз келгуси авлод баркамоллиги учун, ўғил-қизларимизнинг улуғ аждодларимизга хос оқил ва юксак маданиятли кишилар бўлишлари учун доимо эътибор бермоғимиз керак².

Катталарни ҳурмат килиш, оила ва фарзандлар тўғрисида ғамхўрлик килиш, очик қўнгиллилик, миллатидан катъий назар одамларга хайриҳоҳлик билан муносабатда бўлиш, ўзгалар кулфатига ҳамдard бўлиш ва ўзаро ёрдам туйғуси кишилар ўртасидаги муносабатларнинг меъёри ҳисобланади³.

Республикада событкадамлик билан ҳалкчил, адолатли жамиятни бунёд этиш – бош вазифадир. Мехнатсевар ва бадавлат, маънавий етук ва маданиятли оила – шу жамиятнинг асосини ташкил этади⁴.

... Ўзбекларнинг аксарияти ўзининг шахсий фаровонлиги тўғрисида эмас, балки оиласининг, қариндош-уруглари ва яқин одамларининг, қўшниларининг омон-эсонлиги тўғрисида ғамхўрлик килишни биринчи ўринга кўяди. Бу эса энг олий даражада маънавий қадрият, инсон қалбининг гавҳаридир⁵.

Юртимиздаги ҳар бир оила, ҳар бир ота-она ўз фарзандлари қиёғасида, униб-ўсиб келаётган ёш авлод тимсолида олижаноб инсоний фазилатларни намоён этишга кодир баркамол инсонларни кўради, уларнинг бахтли-саодатли бўлишини орзу қилади⁶.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон Мустакилликка эришин остонасида. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011. 68-бет.

² Каримов И.А. Ҳалқ ташвиши билан яшайлик. Ҳалқ депутатлари Самарқанд вилояти кенгаши сессиясида сўзланган нутқдан. 1995 йил 21 ноўбрь. Асаарлар, 4-том. – 97-бет.

³ Каримов И.А. Ўзбекнимизнинг шарт-шароити ва замонилари. fikr.uz. 2012 йил 17 март.

⁴ Каримов И.А. Ўзбекистон – демократия ва ижтимоий адолат жамияти. fikr.uz. 2012 йил 17 март.

⁵ Каримов И.А. Ўзбекистон – демократия ва ижтимоий адолат жамияти. fikr.uz. 2012 йил 17 март.

⁶ Каримов И.А. Ватан равнаки учун ҳар биримиз масъулмиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2001. 372-бет.

Ҳар бир ота-она ўз боласига соғлом тарбия бериб вояга етказса, фарзандининг мустакил ҳаётга тоза рух, олам-олам орзу-интилишлари билан қадам кўяётганини кўрса, умри маънога тўлади, ҳаётда армони қолмайди.

...оила қуриш масаласи ҳар бир инсон ҳаётида – у йигит бўладими, киз бўладими – улкан ҳодиса эканини, бу масала шахсий, хусусий доирадан чиқиб, ижтимоий аҳамият касб этишини кенг жамоатчиликка тушунириб боришимиз лозим. Оила қуриш дегани факат икки инсон ўртасидаги шахсий муносабат эмас, балки жамиятнинг асосини, айтиш мумкинки, энг мухим бўғинини белгилайдиган долзарб вазифалардан бири хисобланади.

Соғлом оила вужудга келиши учун, энг аввало, жамият давлат қайгуриши, шунга замин яратиб бериши лозим. Шундагина мустаҳкам оила дунёга келади. Оила соғлом бўлса, жамият соғлом, мамлакат қурдатли, юрт тинч-осойишта бўлади.⁷

Бир сўз билан айтганда, соғлом фарзанд факат соғлом оиласда туғилади. Оиланинг соғломлигини ундаги мухит, ота-онанинг тотувлиги, бир-бирини тушуниши, кўллаб-қувватлаши, ўзаро иззат-хурмати белгилайди.

Биз янги ҳаётга қадам кўяётган ёш оиласларни эъзозлашимиз, оёкка туриб олишлари учун уларга давлат томонидан ёрдам кўрсатишимиш лозим. Бу давлатимиз сиёсатининг узвий кисмидир. Албатта, давлат ёрдами, ота-онанинг кўмаги, ок фотихаси ўз йўли билан, аммо баҳтли оила қуриш, соғлом фарзанд ўстириш кўпроқ ҳар қайси йигит-кизнинг ўз кўлидадир. Бу уларнинг акл-заковати, интилиш-максадлари, орзу-ниятлари, иймон-эътиқодига боғлик.⁸

Пок ва соғдил шахсни тарбиялашда, она тилини қайта тиклашда ҳеч ким ва ҳеч нарса оила билан тенглайпа олмайди⁹.

⁷ Каримов И.А. Соғлом авлод тарбияси – барчамизнинг муқаддас инсоний бурчимиз. 2000 йил 24 февраль. Соғлом авлод дастурини тасдиқлашга бағишлиянгич мажлисида сўзланган нутқ, "Тафаккур" журнали, 2000 йил 2-сон.

⁸ Каримов И.А. Соғлом авлод – ҳалқимиз келажаги. 1999 йил 7 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунига бағишиланган тантанали маросимда сўзланган нутқ. Асаарлар. 8-том. – 97-бет.

⁹ Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: "Ўзбекистон", 1998. 304-бет.

Биз оила ҳакида гапирап эканмиз, авваламбор, оила ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, мукаддас урф-одатларимизни саклайдиган, шу билан бирга, келажак насллар қандай инсон бўлиб етишишига таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоги эканини тан олишимиз зарур...

...Биз ўз маънавий ҳаётимиз ва келажагимизни кураётганда бекиёс миллий қадриятимиз бўлмиш оилани асосий таянч деб биламиз. Чунки ўзлигимизга кайтиши, миллий урф-одатларимизни эъзозланш, катталарга хурмат ва кичикларга ғамхўрлик, одамийлик, ҳалоллик, олижаноблик, меҳр-оқибат сингари асл инсоний фазилатлар айнан оила муҳитида шаклланади¹⁰.

Оила ҳакида гапирап эканмиз, авваламбор, оила ҳаётнинг абадийлигини, мукаддас урф-одатларимизни саклайдиган, шу билан бирга, келажак насллар қандай инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоги эканини тан олишимиз даркор¹¹.

¹⁰Каримов И.А. Конун ва әдолат устуворлигининг ҳаётбахш манбаси. 1998 йил 5 декабрь. Асарлар. 7-том. - 249-бет.

¹¹ Каримов И. А. Хавфсизлик ва баркарор тараққиёт йўлида. 6-жилд. – Т., “Ўзбекистон”, 1998. 448-бет.

СҮЗ БОШИ

Президент Ислом Каримов оиланинг ҳал қилувчи роли масаласига тўхталиб, «... оила соғлом экан, жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан, мамлакат баркарордир»,¹² дея таъкидлайдилар. Дарҳакиат, миллий маънавиятни шакллантириш ва юксалтиришда, ёш авлодни миллий ғоя руҳида тарбиялашда оиланинг ўрни ва таъсири бекиёс. Зоро, бола характерини, табиати ва дунёкарашини белгилайдиган маънавий мезон ва карашлар, яхшилик ва эзгулик, олижаноблик ва меҳр-оқибат, ор-номус ва андиша каби фазилатлар пойдевори дастлаб оила шароитида қарор топади. Ва айни вактда оиланинг мустаҳкам бўлишида миллий маънавиятимизнинг, миллий ғоямизнинг улкан ҳиссасини инкор этиб бўлмайди.

«Оиласам мустаҳкам бўлсин дессангиз...» рисоласи «2012 йил – Мустаҳкам оила йили» давлат дастури доирасида тайёрланди. Мазкур илмий-маърифий рисолада маънавий-ахлоқий соғлом оиланинг хусусиятлари, оила мустаҳкамлигига миллий тарбия, миллий ғоя ва оиласидаги тарбиянинг узвий боғлиқлиги ҳамда унинг мустаҳкам оила барпо этишдаги ўрни ва роли, бола тарбиясида ота ва онанинг вазифалари, фарзанд тарбиясига доир илмий-амалий тавсия, маслаҳат берилган. Шунингдек, оила даврасида фарзандларингиз онги ва қалбига миллий ғояни сингдириш, уларни юксак маънавиятли, меҳр-оқибатли, Ватан равнаки, юрт тинчлиги ва ҳалқ фаровонлигига даҳлдор килиб тарбиялашда фойдали бўлган маърифий шеърлар ва топишмоқлар ҳам киритилди.

¹² Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч – Т., “Маънавият”, 2008. 58-бет.

ЙИЛ ҲИКМАТИ

Хушхабар

2011 йил 7 декабрь. Соат 17:45. Тошкентнинг кўксини, XXI асрни безаб турган «Ўзбекистон» халкаро анжуманлар саройи. Ҳурматли Президентимиз Ислом Каримов томонидан 2012 йил «Мустаҳкам оила йили» деб эълон килинди.

Юртдошларимиз хар йили янги йилнинг номини орзиқиб кутишади. Ҳалкимиз бу хушхабарни кўтаринки рух ва интиқ калб билан кутиб олди.

Президент ташаббусини мажлис аҳли бир неча минут, ўрнидан туриб олқишилаши. Тинимиз. Чехралар нурланди. Ҳамма ўз оиласини, меҳрибонларини эслади. Кониқди. Бу ҳикматли хушхабар кишилек ва шахарларимизга етди. Инсониятга «Олам аҳли! Оилангизни асранг!» деган глобал маърифий даъват бўлиб тараалди.

Юртдошларимиз бир-бирларини кўча-кўйларда, ишхоналарда, майдонларда, телефонда, СМСларда кутладилар. Бир-бирларига йўллаган янги йил табрикномаларида «Ҳурматли! Сизни янги 2012 йил – «Мустаҳкам оила йили» билан қутлаймиз», деб ёздилар меҳр билан.

Мана ўша миллий шодликдан парчалар: Хоразм. «Ўзим Тошкент вилюятиданман», дедилар 2011 йил 14 декабрь куни янгизорлик ўқитувчи Дурдана опа Рамазанова. Хоразм вилоят «Маънавият ва маърифат маркази»да бўлган сұхбатимизда. «Педагогика институтида ўқиётib, хоразмлик йигит билан бир-биримизга кўнгил қўйиб, 1972 йили турмуш қурдик. Мен ҳам хоразмлик бўлиб кетдим.

Болаларим ҳаммаси касб-корли, уй-жойли. Ўзига тинч. Тугилган кун, байрамларда биттамизникида йигиламиз. Мана беш йилдан бери Президентимизнинг Конституция кунига багишланган маърузаларини бирга тинглаб, байрам концертини томоша қиласмиз. Бу йил катта ўғлим Шерзодникида йигилдик. Адаси, болаларим, келин, негараларим, жами 17 киши ўтирибмиз.

Мұхтарам Президентимиз янги йил номини айтадиган секундлар келаетир... Ҳаммамиз жисм, вужудимиз қулоққа айланди. Ана, Юртбоши-миз 2012 йилни «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилдилар. Ўшанда ўғлим Шерзод беихтиёр «Раҳмат, отажон», деб юборса бўладими, ўрнидан туриб? Ҳамма қарсак чалиб юборди.

Кўзларимга ёш келди. Оиласизга қараб меҳрим товланиб кетди.

Гурунг қилиб ўтиридик. Дадаси билан 1972 йилда бўлган тўйимизни засладик. Каталакдай ҳовлида уч овсин 10 йил қайнона-қайнотамиз билан сиқилишиб яшаганларимизни айтиб бердик. «Мустаҳкам оила» йили ўғлим кўчиб кирган янги уй-жойда бошлианаётганидан севиндик. Бирга қувондик.

Ош тортылди. Телевизорда байраи концертини томоша қылдик. Болаларим: «Ойиңсон, дуо қытинг», дейнешди. Шу, дуо қытаяпману, назаримда янги үй-жойнинг пишик гиштли деворлари, файзли дастурхони, баҳаво айвони тишилгә ғап солғандек бўлди. «Илойим оиласаримиз мана шу пишик гиштли иморатлардек мустаҳкам бўлгай», дедим.

Юртимиз тинчлигига – минг шукур. Ҳалқимиз фаровонлигига – минг шукур. Ватанимиз равнақига – минг шукур, деб дуо қылдим», деди.

Самарканд. Эргаш Жуманбулбул бобомизнинг дўймбираасини тинглаб жўшган Кўшработдамиз (2011.29.12). Ўқитувчи – шоир Алибек Санокуловдан мана бу сатрларни эшитдик:

Ота-онанг сабогин ол, камолотга асос бўлгай,

Мехрисизлик, аё дўстим, жаҳолатга асос бўлгай.

Бобоси бор, момоси бор уйда асло хато бўлмас.

Улар айтган ҳар ўғит бил, фарогатга асос бўлгай.

Пойдевор бўлса муҳаббат ҳамда қонуний асос.

Бу мустаҳкам оиласанг чун кафолатга асос бўлгай.

Оила тинч ва мустаҳкам фаровон Ўзбекистонда,

Бу аҳмиятик эй Алибек, саодатга асос бўлгай.

Каранг. Бир зиёли ўз ихтиёри билан, кўлига калам, когоз олиб, кундалик турмуш ташвишларидан вакт ажратиб, кофияю турогини, вазнини кайта-кайта тузатиб, шеър ёзибди. Давраларда завқ билан ўқиб юрибди. Бу Ватан ҳаётидаги муҳим воқеага бир юртдошишимиздаги дахлдорликнинг самимий ифодаси эмасми?

Ҳа. Ёши, жинси, тили, миллати, динидан қатъий назар ҳар бир Ўзбекистонликнинг кўнгли икки карра яйради. Ҳам янги йил, ҳам янги ҳикмат билан.

Ота-опалар – фарзаид, невара, чевараларининг баҳтидан мамнун. Бунгунги кундан кайгулари йўқ, эртанги кундан кўнгиллари тўқ.

Ёшлар-чи?! Уларнинг кўпчилиги якин ойларда ўзларининг куёв, келин, кейин эса ота-она бўлишларини эслаб, ширин энтишиб кўйишиди.

Қайси бир хонадондан фарзандининг биринчи маошидан қилинган ош хиди тараляётир. Оиланинг чиройи, чароғбони – онажонининг кўнглида кайноналик орзулари кат-кат. Ҳар эслаганда лаблари беихтиёр табассумга ийиб кетаётир.

Янги йил ҳикматлари

Ҳар қайси йилга ном бериш мустақиллигимиз шарофати билан бошланган хайрли анъянага айланди. Президентимиз маърузасида бундан кўзда тутилган максад, моҳият очиб берилди. Максад икки кисмдан иборат.

Биринчиси – бутун халқимизнинг орзу ва интилишларини ифода этадиган, эртанги кунимиз равнакига хизмат қиласидиган энг устувор йўналишни аник белгилаб олиши.

Иккинчиси – уни амалга ошириш учун бор куч ва имкониятларни сафарбар этиши.

Демак, 2012 йилнинг хар бир тонги бизга оила институтини янада мустаҳкамлаш, бу борада олиб борилаётган ишларни янги боскичга кўтаришни эслатиб туради. Чунки «... оила соғлом экан – жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан – мамлакат баркарор».

Ўзбекистон халки бир тирик организм. Хар бир оила унинг ҳужайраси. Ҳужрайлари тўқис, соғлом, демак кучли, кудратли. Шунинг учун ёш оиласарни моддий ва маънавий кўллаб-кувватлаш учун нафакат отоналар, биринчи наебатда давлат ва жамиятимиз масъуллиги асослаб берилди.

Амалдаги конунчилик нормалари бугунги ва эртанги кун талаблари кўзи билан кўриб чиқилмоқда. Бу оиласаримизнинг конуний ҳимояси яна ҳам такомиллашади, дегани. Президентимиз бу масалага жамиятимизнинг эътиборини янада кучайтириш зарурлигини таъкидладилар. Гап сиз, кўшниларингиз, хар биримиз ҳакимида кетаётир. Демак, караб турмасдан, амалдаги конун ҳужжатларига қандай ўзгартиш ва қўшимчалар киритилаёттанига кизиқиб, тақлифларимиз билан иштирок этишимиз керак. Бефарқ бўлмаслигимиз керак.

Президент маърузасида баҳтли турмуш, оила мустаҳкамлиги аввало нимага боғликлиги очиб берилди. Оила мустаҳкамлиги молу давлат, ҳусну савлат, мулку сарватга эмас. аввало келин-куёвнинг ўзларига боғликлиги таъкидланди. Аниқроғи, икки ёшнинг маънавий фазилатларига, оила, жамият олдидаги бурчларини канчалик англаб этишига боғликлиги айтилди.

Кўриниб турганидек, яна маънавият – хал килувчи омил. Оиласар мустаҳкамлигининг асосий шарти.

Оиласар мустаҳкамми?

Халк кўшикларидан бирида:

«Гули савсарга қаранг, сувга қараб қайрилади.

Бевафо ёрни кўринг, ўлмай тuriб айрилади», деган сатрлар бор. Маъносини ўллаб кўринг.

Бу минг йиллар давомида ўзбек оиласи мустаҳкамлигини белгилаб келган мезон эмасми? Ҳа. Бобо-буви, ота-оналаримизни ўлимдан бошка сабаб ажрата олмаган. Онда-сонда бепуштлик ажратган. Бирок, бунда ҳам урушиб ажралишмаган. Рози-ризолик билан, хурмат билан ажралишган. Бу хурмат бир умр сакланиб колган.

Ёри иккинчи жаҳон урушидан кайтмаган, бирок, ёш бўлса-да, турмуш килмай, якка ўтган табаррук момоларимизни кўрганмиз. Улар ўзлари хам билмаган холда ўзбекча олийжаноб садокат намуналарини сўнгги нафасларигача сақлаб, тарғиб килиб ўтдилар. Улар садокатнинг тирик рамзи эдилар. Улар ёш-яланг, каттаю кичикнинг чуқур эҳтиромида эдилар.

Мустаҳкам оила. «Мустаҳкам» сўзининг маъносини ишончли, истеҳком билан ҳимояланган, баркарор, бакувват деган маъноларини била-миз. Ўзбекистон Миллый энциклопедиясида ёзишича, бу сўз тор ва кенг маъноларда ишлатиларкан. Тор маънода – *пишиқ* (емирувчи ташқи куч таъсирига чидамли, бардошли); кенг маънода – ўзининг емиришишига, шактининг ўзгартирилишига қаршилик қила оловчи, деган маъноларни беради.

Мустаҳкамлик физик маънода – жисмни ташкил киладиган атомлар, молекулалар ва ионларнинг ўзаро таъсирлашув кучларига боғлик бўлади, дейилади¹³. Оила мустаҳкамлиги уни ташкил киладиган, унда яшайдиган инсонлар, махалла, давлат ва жамоатчилик ташкилотларининг ижтимоий хамкорлигига боғлик. Карангки, бу ижтимоий формулани аник фан – физика хам тасдиқлаб турибди.

Буни нимадан билса бўлади? Ҳар биримиз врач кўригидан ўтиб, соғлигимизнинг кай даражада эканлигини билиб, касалнинг олдини ола борамиз. Оиланинг мустаҳкамлиги унинг «маънавий саломатлиги»га ҳам боғлик.

Ҳар бир оиласда келишмовчилик, низо бўлиб туради. Олимлар уларни эр-хотин ўртасидаги низолар; қайнона-келин ўртасидаги низолар; қайнона-куёв ўртасидаги низолар; овсинлар ўртасидаги низолар; отоналар ва фарзандлар ўртасидаги низоларга бўлишади. Баъзи низолар бирлаштиrsa, баъзилари ажратар экан.

Бирлаштирувчи низоларга сабаб бўлган муаммоларнинг ечилишидан эр-хотин, бутун оила манбаатдор бўлади. Яъни баъзан низолар уйда тартиб-интизом, озодалик, оила бюджетини юритиш, саранжомлик, тежамкорликнинг бузилишидан, исрофгарчиликдан, бола тарбиясидаги камчиликлардан келиб чиқади. Бу низоларнинг ечилиши ана шу камчиликларни ҳал килади. Тартиб-интизом, озодалик тикланади, исрофгарчилик тўхтайди, бола тарбияси изга тушади. Демак, бу низолар яхшиликка олиб келиб, оиласи мустаҳкам килиб, бирлаштиради.

Агарда низога олиб келган муаммонинг ёчимидан бир томон ютиб, иккинчи томон ютқазса, сабаби ҳал этилса ҳам низоли вазият сақланиб колаверади. Ажратувчи низога сабаб кўпинча учинчи одам(қайнона, қайнота, қайнингил, овсин ва б.) бўлиши мумкин. Ажратувчи низолар оиласда меҳрни сусайтиради. Ота-она ва фарзандлар орасини ҳам бузади.

¹³ Мустаҳкам. Узбекистон Миллый Энциклопедияси. 6-жилд. 160-б.

Эр хотин ўртасидаги ажратувчи низолар: жинсий номутаносиблик, бефарзандлик, рашк бўлиши мумкин. Шунингдек, ота-оналар ва фарзандлар орасидаги низолар: дунёкарашдаги фаркларни хисобга олмаслик; ёшларнинг бўш вакт, дўст, касб танлашдаги мустакилликларини хисобга олмаслик; ичқиликбозлиқ, ахлоқсизлик; болаларнинг меҳнатсиз роҳатга ўрганиб колиши; ўғил-кизнинг ўз фарзандлик бурчини унутиши; ота-онанинг педагогик маданияти пастлиги. Булар оиласдан ҳаловатни ўғирлади, совукчилик туширади.

Кайнона билан келин ўртасидаги низоларга кизларда қайнона-келин муносабатларига олдиндан салбий муносабат шакллантирилгани; дунёкараш ва уй тутишлар орасидаги тафовут; келин ҳам, қайнона ҳам кайсарлик билан ўз гапини ўтказишга интилиши; кизларнинг келинликка тайёрланмаганлиги; қайнонанинг бетокатлиги; келиндан камчилик кидиравериши; қайнона-келиннинг бола тарбиясидаги келишмовчиликлари; келиннинг ёши, кизикиш, орзулари, иш ёки ўқишини хисобга олмаслик; қайнона худбинлиги; оиласлардаги иқтисодий, моддий, ижтимоий, маданий савиялардаги тафовут сабаб бўлиши мумкин.

Оиласиз ана шундай емирувчи таъсиirlарга чидамли, бардошлими? Уларга каршилик қила оладими? Жавобимиз коникарли бўлса, нур устига нур. Лекин барibir ушбу сабабларни билиб кўйсак, уларнинг олдини олиш осон бўлади.

Ҳаёт абадийлиги

«Оила», дейилади Миллий Энциклопедиямизда, «никоҳга ёки туғишганликка асосланган кичик гуруҳ. Унинг аъзолари рўзгори бирлиги, ўзаро ёрдам ва маънавий масъулияти билан бир-бирига боғланган. Оиласининг энг муҳим ижтимоий вазифалари – инсон зотини давом эттиришдан, болаларни тарбиялашдан, оила аъзоларининг турмуш шароитини ва бўш вактини самарали уюштиришдан иборат. Оиласий муносабатлар нисбатан мустакил ходиса саналса-да, жамиятдаги мавжуд ижтимоий, иқтисодий, мафкуравий муносабатлар билан белгиланади ва улар таъсирида ўзгариб боради. Шунга мувофиқ ҳар бир жамият ўзига мос оила типини, оиласий муносабатларни ўрнатади»¹⁴.

Демак, оиласининг мустахкамлиги никоҳга ёки туғишганликка, рўзгорнинг бирлиги, ўзаро ёрдам ва юксак маънавий масъулиятга асосланган кичик, лекин ахил гуруҳ. Уни бузувчи, шаклини ўзгартирувчи таъсиirlар ҳам мавжуд. Унинг мустахкамлиги ана шу таъсиirlарга қарши турба олишига боғлик экан.

Президентимиз маърузаси оила тушунчасини янги маънолар билан бойитди. Яъни оила бу бир эшиқдан кириб чикувчи одамлар жамоаси

¹⁴ Оила. Узбекистон Миллий Энциклопедияси. 6-жилд. 469-6.

эмас. У ўзаро ишончга курилган ҳаёт абадийлигининг рамзи, шарти. Бу эса оиласининг макомини юксак маънавий даражага кўтарди.

Янги, ёш оиласарга ғамхўрлик ёғилиб турари маърузада. Бу уларга улкан масъулиятни ҳам эслатди. Чунки кечагача ўзини ўғил, қиз, келинкуёв деб юрган икки ёш эртага «ота»га, «она»га айланадилар. Энди улар факат ўзлари учун эмас, ўзлари дунёга келтирган жажжи «одамча» учун ҳам жавоб берадилар.

Фарзанд ёш ота-онасининг характеристини, ҳулкларини ҳам ўзгартирали. Ёш оиласарга Президентимизнинг мана бу сўзлари уларнинг зиммасидаги улкан масъулиятни эслатиб туради: «Онгли яшайдиган ҳар бир одам яхши англайдики, бу ёрут оламда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, ҳаёт абадийлиги, бебаҳо неъмат бўлмиш фарзанд бор. Фарзанд бор экан, одамзод ҳамиша келажатини ўйлаб, эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди».

Ватан, фарзандлик хисси... У боланинг оиласага, энг яқин кишилари – ота, она, буви, бува, aka-ука, опа-сингилларига муносабатидан бошланиб, кенгая, чукурлаша боради. Оила уни қадрдан уйи билан, кондош ва жондошлари, кариндошлари, ватандошлари, Ўзбекистон билан боғлади.

Оила гоявий тарбия ўчғи. Она тушунтирган миллый ғоя бутун оиласининг гоясига айланади. Бу эса Юрт тинчлиги, Ватан равнаки, Ҳалқ фаровонлиги, Комил инсон, Ижтимоий ҳамкорлик, Миллатлараро тотувлик, Динлараро бағрикенглик тамойилларимизни ҳар бир оиласининг гоясига айлантириш, уларнинг рӯёбига сафарбар килишнинг энг яқин ва самарали йўлидир. Ана шунинг учун ҳам Президентимиз «Юксак маънавият – енгилмас куч»да бутун миллатнинг, жумладан, ота-оналарнинг баҳтини ўйлаб шундай ёзадилар: «Агарки биз бундай ҳатарларга қарши ўз вақтида қатъият ва изчилик билан кураш олиб бормасак, турли зарарли оқимлар бизнинг юртимизга ҳам шиддат билан ёпирилиб кириши, ёшларимизни ўз гирлобига тортиб кегишини, оқибатда уларнинг ота-она, оила, эл-юрт олдилиги бурчи ва масъулиятини ўйламайдиган, факат бир кунлик ҳаёт билан яшайдиган ҳудписанд кимсаларга айланаб қолиши мумкинлигини тасаввур килиш кийин эмас. Мана шу аччик ҳакиқатни юртимиздаги ҳар бир инсон, ҳар қайси ота-она, энг муҳими, ҳар қайси йигит-қиз чукур англаб олишини истардим.

Такрор айтишга тўғри келади – ота-оналар, устоз-мураббийлар бу масалада ҳушёрликни йўқотмаслигимиз, ёшлар тарбиясида асло бепарво бўлмаслигимиз зарур».

Аччик ҳакиқат. Чунки дори аччик бўлади. Жамиятни маънавий қасалликдан сакловчи дори. Ана шу дорини ҳар биримиз ичиб, юртимиздаги ҳар бир инсон, ҳар қайси ота-она, энг муҳими, ҳар қайси йигит-қиз чукур англаб олиши керак. Ана шунда ҳар бир оила, демак бутун жамият лоқайдлик, бепарволик дардидан даво топади. Маънавияти саломат, кудратли, мустахкам бўлади.

Нега бу масала кайта-кайта кўтарилимоқда? Чунки Ўзбекистонни дунёнинг энг ривожланган давлатлари каторига элтувчи равон рельс – мустаҳкам пойдеворга курилди. У «Afrosiyob» тезлигидай слаётир. Ёшларимиз бу улуғ ишга ўз хиссасини кўшиб, янада кучайтириши керак. Бунинг учун ҳар бир ота-она ўғил-кизига Афросиёб шиддатини сингдириши керак. Маррани юкори кўтариши керак. Ҳар бир оиласда тарбия маррасининг юксак кўтарилиши миллатнинг ракобат қудратини янада оширади.

Мамлакатимизда оила манфаатларини муҳофаза килишга кара-тилган изчил сиёsat, инсон манфаатларини ўйлаб амалга оширилган Давлат дастурлари, «Оила кодекси» амалда. Оила фаровонлиги, тотувлиги, баркарорлиги йўлида амалга оширилаётган кўплаб тадбирлари сама-расидан ҳалкимиз баҳраманд.

«Мустаҳкам оила йили» оилаларимизни меҳр-муҳаббатга янада тўлдиради. Ҳар биримиз кечкурун хориб кириб борадиган оромгоҳимиз – оилаларимиздаги баҳтиёрлик янада баркарор бўлиб, маънавий ришталар янада каттикрок боғланади.

Маҳалла – катта оила

Оилалар мустаҳкамлигини оширишда маҳалланинг ўрни ва таъсири бекиёс. Маҳалла – ҳалқ виждони. Маҳалла – кичик мамлакат. Маҳалла-дошлар бир-бирининг етти пуштини билади. Бир бирини кўллайди, кувватлайди. Ҳеч ким маҳалладошини алдамайди.

Хозирги тезкор замонда 4-5 кишининг бир пиёла чой атрофида дилдан яйраб, сухбат куришга вакт топишининг ўзи бир неъмат. Маҳалла-дошлар эса бир умр бирга яшаб, бир бирларини йўклаб, кун ора қўришиб, гурунглашиб туришади. Бир-биirlарининг оила, рўзгорларидан ҳабардор. Шу боис маҳалладошларнинг кўнгиллари бир-биirlарига боғланган. Узилмайди. Дунёнинг кўп минтақаларида бой берилган бу инсонийлик зийнати ўзбек маҳаллаларида бор. Яшайди.

Маҳалла яхши, ибратли оилаларни бошига кўтаради. «Фалончи аканинг ўғиллари фалон ишларни килишибди, барака топсин», деган яхши ном билан «дув-дув гап бўлиш» жуда марокли. Билиб-бilmай килган ҳатолар ҳам баланд овоз билан, очик айтилади. Шунинг учун маҳаллада тўғрилик, ростлик, ошкоралик ҳукмрон. Маҳалла ўзини ўзи ҳимоя киласди. Ёмонни тўхтатади, ночорни ҳимоя киласди, камчилигини яшириб, яхшилигини оширади.

«Маҳалла нима дейди», деган ўй одамни кўп хатою балолардан саклайди. Ҳатто, ўғри ҳам бу ўйдан кўркади. Маҳалладошининг деворидан ошмайди. Ўғирлик, ёмонлик тунда, ёки одамлар бир-биirlарини та-нимайдиган жойларда урчиди. Бегоналар аҳил бўлмайди. Гандираклаб келаётган ширақайф одам маҳалласига кираётib, «хушёр» бўлиб олади.

Кўчаларда машинасини «туртиб олган» йигитларнинг номерини дока билан ўрашганини, ёки ечиб кўйганини кўрамиз. Маҳалладагилар билишса, мулзам бўлади-да. Чунки маҳалла билса, «гап бўлади».

Мана шу эмасми, соглом фуқаролик жамияти? Мана шундай эмасми, жамоатчилик назоратининг мукаммал тарзи? Мана шу эмасми, маҳалланинг халк виждан эканлигига юзлаб мисоллардан бири?!

Президентимиз маъруzasida оиласидар олдида турган **маънавий ва тарбиявий** вазифаларга алоҳида эътибор сезилиб туради. Маърузада биз яшаётган замон «**оғир**», «**мураккаб**» ва «**тажхикали**» деган сўзлар билан сифатланди. Бу сўзлар ҳар бир ота-онадан огоҳликни, фарзандларини миллий ғоя руҳида тарбиялаш маъсулиятини оширишни талаб қилмоқда.

Пичок, диск, ручкани «ёмон» деб оласизми? Йўқ. Уларнинг қандай ниятда кўлланилганига караб яхши ё ёмон деймиз. Кўчадан ўтиб кетаётган ана у одам яхими. Ёки ёмон одамми? Билмаймиз. Нега? Ўзидан сўрасангиз, «Мен ёмон одам эмасман», дейди. Унда бор нарсалар ҳамма одамда бор. Кўз, кош, тиш, тил, оёқ. Демак. Гап одамнинг жисмида эмас. Одам эмас, ундаги ният, фикр, ғоя яхши ёки ёмон бўлар экан. Заарли, ёт ғоя. Эгасига ҳам, бошқаларга ҳам ёмонлик килар экан. Нега унда бир одамни «яхши», бошқасини «ёмон», дейсиз?

Чунки у ўзи амал килаётган гояни яхши деб билади ва ўзини унга мос, деб ҳисоблади. «Кўйлагингиз ранги нега сарик», десангиз, у «Йўқ. Кўйлагим ок», дейди. Нега бир ранг икки хил кўринмокда? Чунки унга сарикни «ок», деб тушунтирилган. Демак, одамнинг яхши-ёмонлигига сабаб унинг кўзи, оёғи, бўйида эмас, ундаги «дастурул амали»да, тарбиясида, маънавиятида экан.

Яхши одамга ёмон фикрни, ниятни ким солади? Хорижнинг айрим телеканаллари, интернет, ўғри, фохиша, диний экстремист. Улар ҳам эмас, улардаги ёмон ният, ғоя. Демак, одамни эмас, ёмон гоянинг ёмонлигини тарғиб килиш ксрак. Шунинг учун биз «Фикрга карши фикр, гояга карши ғоя, жаҳолатга карши маърифат» билан курашамиз. Ҳозир дунёда миллий ўзлик учун кураш кетаяти. Гўё ок ва кора кучлар олишмоқда. Ок куч – ҳар бир халкнинг миллий ўзлигини тиклаб, химоя килаётir. Коракуч эса ҳамманинг ўзлигини бузуб, ўзига ўхшатиб, кора рангга кирилмоқчи.

Бизни ўзбеклигимиздан айирувчи гояларга эшикларимиз маҳкам ёпик бўлиши керак. «Оммавий маданият» уйимизга, оиласизга кириб олса, уни хайдаб чикариш амри маҳол бўлиб колади. Шунинг учун ҳам бузук гояларга карши туришда, азалий кадриятларимизни асраб авайлашда оила мустаҳкам кўргон. 2012 йил ана шу кўргонимиз саломатлигини янада мустаҳкам килаётir.

Президентимиз маъруzasidan ҳар бир ота-она ўзига улуг бир тарбиявий ўғит, вазифа олди. Бу ҳам бўлса, ўз мустакил фикрига эга, окни копрадан ажратишга, дунёнинг истаган нуктасида тенгдошлари билан беллашишга руҳи, кучи етадиган ёшларни тарбиялаш. Бу ишда ота-оналар

таълим муассасалари, педагог ва психологлар билан маслаҳатда, ҳамкор бўлмоклари зарур бўлади. Яъни фарзанд шамолласа, врачга мурожаат килгланларидек, боласида бир кусурни сезса, мутахассисларга – педагог ва психолог мурожаат килиб, маслаҳат олсалар, болаларининг маънавий саломатликларидан хотиржам бўладилар.

Мустакил юксалиш хеч қачон осон, хотиржам кечмаган. Президентимиз маъруzasи барчамизни яна огоҳликка чорлади. Иродамизга куч берди. Ўзимиз танлаган, меваларини тераётган тўғри йўлимиздан хеч қачон қайтмаслигимизга, ўз мурод мақсадимизга етишимиз учун ишончимизга ишонч кўшди. Бу буюк ишончни ҳар бир фарзанд онги ва калбига жо килиш ҳам мураббийлик, ҳам фарзандлик, ҳам фукаролик бурчимиздир.

Шу йил чика бошлаган «Оила даврасида» газетаси ҳам «Мустаҳкам оила йили»нинг шарофати. Уни дўст тутсангиз, оила ҳакида энг зарур ва фойдали маълумотлар уйнитизга оқиб келаверади. Оилангиз янада фарон, аҳил ва албатта – мустаҳкам бўлади.

ОИЛА – МАСЪУЛИЯТ МАКОНИ

«Ўғилларим, набираларим ва яқинларимни уйлантирмоқ ташвишида келин изламокка эътибор бердим. Бу ишни давлат юмушлари билан тенг кўрдим. Келин бўлмишнинг насл-насабини, етти пуштини суриштиридим. Ҳос одамлар оркали соғлик-саломатлигини, жисмонан камолотини аникладим. Келин бўлмиш насли-насаби, одоб-ахлоқи, соғлом ва бақувватлиги билан барча қусурлардан холи бўлсагина эл-юрга катта тўй-томуша бериб, келин туширдим.

Ўғилларим, набираларим ва яқинларимга бирон томчи шароб ичиб, хотинларига яқинлашишини маън этдим Зоро, шаробнинг таъсирида бунёдга келган фарзанд насл-насабининг бузилишига таъсир этгай, дебон шу покиза йўлни тутдим.¹⁵

Президентимиз Конституциямизнинг 19 йиллигига бағишлиланган маърузаларида ёш оиласарни ҳаётнинг турли тӯфонларидан асраш, унинг мустаҳкам оёкка туриб олиши учун елкадош бўлиш, бу борада зарур кўмак, маслаҳат кўрсатишда маҳалланинг роли ва аҳамиятини хеч нарса билан киёслаб бўлмаслигини алоҳида таъкидладилар. Бу ўта муҳим масала. Чунки дунёда оила институти ҳавф остида колди.

Президентимиз маърузасида яна бир бор бизнинг мураккаб ва таҳликали замонда яшаёттанимиз таъкидланди. Бундай шароитда «... биз маънавий ҳаётимизни юксалтиришда, жамиятимизда зэгу инсоний фазилатларни кенг қарор топтиришда, тобора кучайиб бораётган, бизнинг миллий табиятимиз, урф-одатларимизга мутлақо зид бўлган

¹⁵ Б.Ахмедов, А.Аминов. Амир Темур ўғитлари. – Т.: «Ўзбекистон», 2007. 45 б. 39-6.

хар қандай заарлти таъсирлар, бузгунчи ғояларга карши туришда, азалий қадриятларимизни асраб-авайлашда оилани мустахкам таинч деб биламиз», деган дастурий фикр ўртага ташланди. Бу бежиз эмас.

Соғлом ва мустахкам оила, биринчи наяватда янги курилаётган ёш оиласар масаласи. Бу – фарзандларимиз ўтган йили ёки кеча курган, ёки зартага, 1 ой, 1 йил, 3 йилдан кейин курадиган оиласар хакида ғамхўрлик.

Онда-сонда бўлса-да, ёш оиласарнинг бузилганини эшлиб, ачинализ. Интернет, хориж телеканалларида «Сиз ва севгилиңизнинг кайси буржда туғилганини СМС килинг, биз курилажак оиласизнинг баҳтини айтиб берамиз. Озгина тўлаб кўйсангиз бўлди», – деб жилмайиб, имлашади. Оила баҳти мунажжим баҳоратлари билан ҳал бўлса, кошки эди. Бу тижоратчилар таклиф килаётган эрмак. Уларга сизнинг баҳтингиз эмас, тушум мухим.

Нима килмок керак?

Ўзбеклар «Онасини кўриб, кизини ол, Отасини кўриб, кизингни бер», дейди. «Эр-хотин – кўш хўқиз», дейди яна, аямай. Бу телемунажжимлар сўзларидек чиройли эмасдир. Лекин аччиқ хақиқат. Дўст сўзи.


Лекин, нега айнан, кўш хўқиз? Нега «кўш ниҳол, «кўш юлдуз», «кўш одам», «кўш тор», «ширин жуфтлик», «фойдали тандем» эмас? Нега дағал, машакқатли ишни, меҳнатни эслатаверади бу ибора? Ўзбекнинг гўзал сўзлари кўпку. Нега оила, турмушга колганда гўзал сўзларини аяди ўзбек?! Чунки ўзбеклар севгини бир-бирининг кўзларига термулишни эмас, олдиндаги бир мақсадга тикилиш, интилишни маъкул кўришган. Аввал меҳнат, кейин роҳатни тушунишган бўлса ажаб эмас.

Оила баҳтининг бир палласида баҳт, иккинчисида – шу баҳтга тенг меҳнат туарканда. Бобо-момоларимиз «кўш хўқиз» деганда ҳалолликни, оғир, узлуксиз, бир мақсадли хаёт йўлини бирга босиб ўтиб, олдинга интилиш шартини кўйишмаганмикин?

Хакиқий муҳаббат бу – икки ёшнинг бир-бирига эмас, балки олдинга, бир мақсадга караб тикилишида, дейишади. Эр-хотин – бир мақсадга тикилган икки жуфт кўз. Бир рўзгорни обод килаётган тўрт мададкор кўл. Бирга урадиган икки юрак. Бир козонга масаллиқ топиб, пишириб, ота-онага, фарзандларига, кейин ўзларига сузаётган икки ёр. Ана шундан баҳтиёр.

Бир аравани тортиб кетаётган эр-хотин икки йўлдан кетишини ихтиёр этишса нима бўлади? Рўзгор юки биттасига колади. Энди бу арава баҳт манзилига етмайди. Ярим йўлда армон билан тўхтайди. Армон ортилган аравага айланади. Балки шунинг учун доно бобо-момоларимиз оиласи тўй, дабдаба, нашъу-намо деб тушунтиришмаган. Севиб севилган икки инсоннинг хар кунлик меҳнати эвазига эришадиган хар кунлик роҳати, хар куни баҳтли бўлиши, деган эканда.

«Оммавий маданият» ўзбекнинг тикиштираётир. Хар кунлик роҳат-фарзандларига баҳтиёр. Мехна-



дан кейин келадиган баҳт, ҳаловатни эмас. Бу баҳт реал оламда эмас, виртуал оламда бор. Ёки сиз бирор «юлдуз»нинг ҳалол, сифатли, самара-ли меҳнат, кашфиётни мадх этиб куйлаганини биласизми?!

«Оммавий маданият» – бузилган ният

Бойлик, қадду қомат, шаҳло қўзлару ширин сўзлар, эҳтиросли хўр-сишишлар пойдеворига курилган оила – омонат. Нега? Ёш оиласинг бой-лиги кўпинча ота-оналар меҳнати маҳсули. Ҳозирги қадду қомат – 5-10 йиллик меҳмон. Шаҳло қўзлар жозибасини ҳам йиллар тортиб олишади. Ширин сўзлар, эҳтиросли хўрсишишлар тўйдан кейин сийраклашаверади.

Бир хафтадан сўнг ота-она ёккан тўй ўчоги совийди. Келин-куёв тўйнинг видеоси, альбомларини мароқ билан кўриб бўлишади. Совғалар қайта-қайта саноқдан ўтади. Мехмоннавозликлар тугайди. Энди му-сиқани, раксни тўхтатиб, рўзгор ўчогини ёқиш керак. Унга ёш эр-хотин ўт қалаши керак. Кудалар ҳали синалмаган. Баъзилар «Утказиб қўйиш» учун бир ой қуданинг уйига эрталаб тансик таом етказиб туради. Боринг, бир ой ҳам ўтади. Таом солинган идишлар камая бориб, тўхтайди. Бо-рингки, пулдан ҳам қарашиб юборишар. Уч ой ҳам ўтар. Ана шунда ҳам икки ёр: «Етар. Энди баҳтимизни ўзимиз қурамиз», деб енг шимармаса, кечаги ишк романтикаси драмага айланади.

Ёш оиласи бокишда қайси тараф кам ёрдам берса, «ёмон»га айланади боради. «Маникилар мана бунча кильворишган. Сизникилар-чи?!» деган гаплар илгари ичда эди. Энди ташқарига чиқиб, айтила бошлайди.

Үй иссик, лекин оиласда қиши бошланади. Оташ муҳаббатли, хумор қўзлар совук сигналлар бера бошлайди. Биринчи қор учқунлай бошлайди.(Бу караш кейинчалик қаршисидаги ёр, маҳбуб, маҳбубани музлатади ҳали.) Ёр ҳам одам. Бу караш ҳар кунни бошлаб беравергач, бир-биридан безиш бошланади. Отаникига аразлаб кетиб, музли ни-гоҳдан дам олиб, исиниб келади келин.

Ота-она опа-ака, аммаю хола, обрўли оғайнилардан иборат «кўшин»ни йигади. Буни кўрган куёвнинг ота-онаси ҳам қараб турмайди. Кудаларни қаҳрли айбловлар рўйхати билан кутиб олади...

Хуллас, олти ой келин-куёвнинг муҳаббатини синаб беради. Улар курган севти қасри мустахкамиди? Ёки театр декорациясидаги суратми-ди? Агар декорация бўлса, «Менга сўз бергансиз. Сизни баҳтли киласман, дегансиз. Қани ўша баҳт? Сизни деб кимлардан кечмадим. Сиздан нима кўрдим ўзи? Э, боринг-е!», дейди келин. «Ўзингчи? Аданг нима килди манг? Ўртоғим Шоҳруҳга кара. Кайнотаси олиб берган «Мерс»да юрибди, мазза қилиб. Ундан менинг нимам кам?», дейди күёв.

«Менчи», демайди. «Сенчи», дейди музлатиб. Бир-бирига: «Кел эн-ди, кел энди», деб куйлаб-йиғлаган икки ошиқ қўл етар масофада тури-шади. Лекин тобора узоклашиб кетаверишади. Сабаб – оиласи масъули-ят, бурч эмас, хорижнинг «кўпик» сериаллари, эстрада «юлдуз»ларининг клиплардагидек ҳар куни роҳат деб тушунгандилкларида.

Ўзбек оиласи – дунёдаги энг мустаҳкам оилалардан ҳисобланади. Ота-боболаримиз эр-хотиннинг ажралишига ўлимдан бошқа сабабни билишимаган. Баъзи ҳолларда бепуштлик сабаб бўлган ҳолларда ҳам яхши гап, муомала билан бир-бирларига йўл беришган. Кўнгил корачилик бўлмаган.

Мустакиллик йилларида оилаларимизга ана шу меҳр, маънавият қайтди. Оила педагогикаси бўйича олиб борилган тадқиқотлар буни тасдиқламоқда. «Сўнгти йилларда оилани мустаҳкамлаш, тўлиқсиз, норасо оилалар сонини камайтириш борасидаги ишлар самараси ўлароқ, никоҳ бузилиши икки баробарга камайди. Агар 1000 нафар ахоли сонига 1989 йилда бу кўрсаткич 1,5 коэффицентни ташкил килган бўлса, ҳозирда 0,6 ни ташкил этади. Бу ҳамдўстлик мамлакатлари орасидаги энг яхши кўрсаткичdir»(Д.Холиков, 2012).

Бундай натижа нафакат ҳамдўстлик, балки дунё миқёсида ҳам ибратли эканлиги кўриниб турибди. Хўш бу натижалар ўз-ўзидан келдими? (Ўз-ўзидан келадиган нима бор ўзи ҳаётда?!) Асло.

Дунёда

Янги 2012 йилнинг «Мустаҳкам оила йили» деб номланиши Ўзбекистоннинг инсониятга глобал маънавий даъвати бўлди. Инсонга инсонийлигини эслатиш, дунёда оила институтининг инқизорини тўхтатишини эслатиб урилган огоҳлик бонги бўлди. Ўзбекистон инсоният дардига дармон таклиф килди. Дунёда етим болалар, қаровсиз ота-оналар, нотўлик, баҳти кемтик оилалар бўлмасин, деди.

Ҳозир дунёнинг баъзи минтақаларида оила курмай, зиммасига ҳеч қандай мажбурият олмай, ўзи учун яшаш урф бўлмоқда. Бу аввало оила институтининг давлат эътиборидан четда қолганлигининг асорати. Агар биз бу маънавий вабонинг олдини олмасак, эртага кириб келади. «Одам бир марта яшайди», оила бу – ташвиш. Одам кўнгилхушлик билан, ҳеч қандай мажбуриятсиз, ўзи учун яшаб колиши керак, деган фалсафа кейинги пайтларда шахс эркинлиги сифатида тушунтирилиб, дунёга ёйилмоқда. Ғарб оилаларидаги ажримлар оқибати ахлоқий тубанлашув ва гомосексуализмнинг либераллашувига олиб келмоқда.

«Livejournal» интернет журналининг ёзишича, Россияда 1990 йилдан 2010 йилгача қурилган ҳар уч оиладан иккитаси бузилган. «Известия» газетаси «Ҳар 1000 оиланинг 800таси бузилмоқда», деб аюҳаннос солмоқда. Статистика 1997-2000 йиллар орасида дунё бўйича энг кўп ажрим АҚШда қайд қилинганини маълум қиласди. Педагог-психолог олимлар ғарб дунёсида оила институти барбод бўлаётганини эълон қилишмоқда. Бузилиш суръати даҳшатли.

Россияда «никоҳ»ларнинг янги-янги шакллари юзага келмоқда. Масалан, «Синовдаги оила»: Бунда эркак ва аёл никоҳдан ўтмай, бирга яшайди. Ўз туйғуларини «синовдан ўтказишади». «Муддатли оила»: Бу оила 1, 3, 6 ойлик шартнома асосида тузилади. Муддат тугагач, оила ту-

гайди. Ҳоҳлашса, янги «муддат»га шартнома тузишади. Ҳоҳлашмаса, йўқ. «Мехмонхона-оила»: Конуний никоҳдан ўтишади. Бирок, эр ва хотин алоҳида яшашиди. Бирга рўзгор юритмайдилар. Эр-хотин муносабатларини амалга ошириш учун учрашиб турдилар. «Коммунал оила»: Бунда бир неча эркак ва аёллар бирга яшашиди. Туғилган болалар, рўзғор, жинсий муносабатлар хам умумий бўлади. «Эркин оила»: бу – анъанавий оила. Бирок, бундай оиласда эр хам, хотин хам бегоналар билан бемалол кўнгил хушликлар қилиши мумкин. Ҳуллас, оиласдек мукаддас кўргоннинг бузилиши – маънавий бузилишдан бошланиши аён бўлади.

Оила нега бузилади? Бу саволга East News агентлиги тўплаган жавобларга караганда ажримларнинг 68%ига аёллар ташаббускор бўлишмоқда. (Катта шахарларда бу кўрсаткич 80%га етган). Ажримларнинг 42 фоизи эр-хотиннинг бир-бирини тушунмаслиги, тушунишни хам хоҳламаслиги туфайли содир бўлаётир. Ажримларнинг 31%ига эрининг ичқиликбозлигидан безган, 15%ига эса эрининг сурункали хиёнатидан чарчаган аёлларнинг аризалари асос бўлмоқда. Ажралиш осон, лекин кейин, кайта оила қуриш кийин экан. Сўровлар ажралганларнинг факат 28%игина қайта турмуш кураётганлигини кўрсатган.

2010 йилнинг 20-22 декабрь кунлари Украина нинг Горшенин институти «Украинада ахлок» мавзусида телефон орқали сўровлар ўтказибди. Сўралганларнинг 20,3%и, яъни хар бир бешинчиси ажримга ижобий муносабатини билдирган(<http://uiscyc.ru/statistics/trem/134>).

«Оммавий маданият» кўнгилочар телеканалларни интим хизмат кўрсатиш бозорига айлантираётир. Интернет сайтлари, кабель телевидениелари «Буржларингизни СМС қилиб юборинг. Бахтингизни башорат киламиз», деб ваъда килмоқда.

Бирорларнинг хатоларидан хулоса чиқариш энг яхши йўл, дейдилар. Дунёда содир бўлаётган ажримларнинг сабаблари нимада бўлаётир? Олимлар оиласларни:

- шошиб, ўйламасдан ёки «хисоб-китоб» билан турмуш қуриш;
- хиёнат;
- характер, карашларнинг тўғри келмаслиги;
- оила қуришга психологик, амалий тайёр эмаслик, инфантилизм (25 ёшда хам боладек фикрлаш),

- турмуш масалаларида нўноқлик,
- севишганларнинг бир-биридан ҳафсаласи пир бўлиши;
- ичқиликбозлик

парчалаётганини аниқлашган. Президент маърузасида, «Мустаҳкам оила» давлат дастурида ана шундай сабабларнинг олдини олиш йўллари кўрсатиб берилди.

Бўлажак оиласларнинг мустаҳкамлигини ўйласак, бунинг учун отаоналарнинг педагогик билимларини ошириш зарурлигини кўрсатмоқда.

Зеро «Ўғил-қизларнинг феъли-хулки яхши ёки ёмон бўлса, унинг сабаб-чиси ота ва онадир»(Юсуф Хос Ҳожиб). «Мустаҳкам оила йили»нинг ҳар бир куни ота-оналарга ана шу имкониятни масъулиятни эслатиб туради.

2012 йил «Мустаҳкам оила йили»да ҳам миллий маънавий юксалиш гояси яна устувор. Фарзандларимизнинг маънавий оламини юксалтириш, уларни миллий ва умуминсоний кадриятлар руҳида тарбиялаш масаласига энг долзарб вазифа деб каралмоқда. Бу вазифани эса ҳар кайси оиласа кўрсатилаётган катта эътибор ва ғамхўрлик, кўмак ва ёрдам белгиси ва тимсоли бўлмиш умумий харажатлар камрови **1 478,7 миллиард сўм** ва **114,0 миллион долларни** ташкил этган ҳамда 87 та бандни ўз ичига олган Давлат дастурининг куйидаги саккиз йўналиши оркали бажариш белгилаб олинди:

1. Бугунги кун талабларини ҳисобга олган ҳолда оила институтини ривожлантириш ва такомиллаштиришига қаратилган қонунчилик норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, бу масалага жамиятимиз эътиборини янада кучайтириш.

2. Ёш оиласарга эътибор ва ғамхўрликни кучайтириш, уларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилишини таъминлаш, моддий ва маънавий жиҳатдан ёш оиласарни кенг қўламда қўллаб-кувватлаш, шу жумладан қўлай ва шинам уй-жой билан таъминлаш, зарур имтиёз ва афзаликлар бериш.

3. Жамиятимиз ва кундалик ҳаётимизда маҳалла институтининг ролини янада кучайтириш ва мақомини ошириш. Мустаҳкам оила йили мақсад ва вазифаларини ҳаётга татбиқ этишида маҳалла ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарии органлари аҳамиятини, ёш оиласарни қўллаб-кувватлаш ҳамда шакллантиришда уларнинг таъсирини кучайтириш, ёш оиласарга зарур кўмак ва ёрдам бериш.

4. Оила, биринчи навбатда, эҳтиёжманд оиласарнинг муаммоларини ҳал этишида давлат ва жамият томонидан ғамхўрликни янада кучайтириш, уларга моддий ёрдам қўрсатиш ва фарзандларни тарбиялашда ижтимоий қўллаб-кувватлаш, муносиб ижтимоий-майший шароитлар яратиш, бунда оиласи мустаҳкамлашда асосий юкни ўз елкасига олган аёлларга алоҳида эътибор қаратиш.

5. «Соглом она – соглом фарзанд» тайишига мувофиқ оила саломатлигини, оналик ва болаликни муҳофаза қилиши тизимини янада такомиллаштириш.

6. Жамиятимизнинг маънавий негизларини янада ривожлантириш, азалий миллий қадриятларни асраб-авайлаш ва мустаҳкамлаш, жамиятимизда юксак маънавий муҳитни кенг қарор топтириши, миллий ментадитетимизга мутлақо ёт бўлган ва кучайиб бораётган турли хил зарарли таъсирларга қарши туршида оиласанинг ўрни ва аҳамиятини ошириш.

7. Жисмонан соглом, маънавий етук ва ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни тарбиялашда оиласанинг ролини кучайтириш ва шу мақсадда оила институтининг таълим ҳамда тарбия муассасалари би-

лан ўзаро амалий ҳамжиҳалиги механизмини мустаҳкамлаш, уларнинг яқин ва самарали ҳамкорлигини таъминлаш.

8. «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури мақсад ва вазифалари ҳамда уни амалга оширишининг бориши тўғрисида кенг ахборот-тушинтириш ишларини ташкил этиши.

Кўриб турганингиздек, ҳар бир йўналиш ўзгача бир маъно ва аҳамият касб этади. Уларнинг барчаси мамлакатимизда истиқомат қилиб турган ҳар бир оиланинг фаровонлиги, иктисодий равнаки, ҳар бир оила аъзосининг жисмоний соғломлиги ва маънавий баркамоллиги – умуман, ҳар томонлама мустаҳкамлиги учун хизмат килиши шубҳасиз. Фақат фуқароларимиз хукукий саводхонликка эга бўлиб, ана шу яратилган шарт-шароит ва имкониятлардан оқилона фойдаланиш йўлларини билсалар, бас.

Педагоглар одамнинг қандай шахс бўлиб етишуви ўртacha 40% - муҳитта, 15% - ирсиятга ва 45% - тарбияга боғлиқ, дейдилар. Демак, XXI аср ёшлиарининг баркамоллиги ана шу омиллар нисбатига боғлиқ. Ирсиятни ўзgartириш кийин ва узок муддат талаб қиласди. Лекин ҳар бир ўзбекистонлик йигит-қизимизнинг феъл-авторини, маънавиятини такомиллаштириш, зарарли қарашлардан ҳимоялашнинг 85% имконияти кўлимида. Муҳит ва тарбияни педагоглаштириш, такомиллаштириш ўз кўлимида, ўзимизга боғлиқ. «Тарбия қанча мукаммал бўлса, миллатлар шунча баҳтиёр бўлади»(К.А.Гельвеций). Шунинг учун бўлса керак, Давлат дастурининг 25-бандида:

«492 минг нафарга яқин биринчи синф ўқувчиларини 12 номдаги ўқув анжомлари тўплами, шунингдек, уйда таълим оладиган 10,7 минг нафар имконияти чекланган болаларни ўқув анжомлари, шу жумладан, 512 та маҳсус доска ва 472 та мактаб партаси билан таъминлаш» (12 267,5 млн. сўм);

37-бандида:

«Қўйидагиларни назарда тутадиган «Ўзбекистонда узлуксиз инклузив таълим» лойиҳасини амалга ошириш:

жисмоний имкониятлари чекланган фарзандлари бўлган оигаларни узлуксиз таълимга жсалб этиши;

педагоглар, ота-оналар ва болалар учун семинар-тренингларни ўтказиши ўйли билан инклузив таълим бериш сифатини яхшилаш;

40 та синов тарикасидаги янги муассасаларни, жумладан 10 та мактабгача тарбия муассасалар, 18 та мактаб, 12 та академик лицей ва касб-хунар коллежларини компютер техникаси, ўқув-методик материяллар, мебель ва бошқалар билан жиҳозлаш»;

60-бандида:

«ZiyoNET» тармогининг имкониятлари ва ахборот ресурсларидан республика олий ўқув юртлари, лицейлари, коллежлари, мактабларида фойдаланишини янада кенгайтириш чора-тадбирларини қўйидаги йўллар билан амалга ошириш:

миллий мустақиллик гояси ва мағкураси, мамлакат тарихи мавзуларига багишланган веб-ресурсларни янада кенгайтириши;

«ZiyoNET» тармоги ресурсларини ахборотлар билан бойитиши» (2 230.0 млн. сўм);

61-бандида: «Кишлоқ жойларида яшайдиган ёшларимизни Интернет тармогидан фойдаланишига ўргатиш учун бепул курслар ташкил этиши»(50.0 млн. сўм);

64-бандида:

«Мактабгача ёшдаги, кичик, ўрта ва катта мактаб ёшидаги болалар учун қуидаги маҳсус рукнлар бўйича теледастурлар ва қўрсатувлар тайёрлаш;

энг жажжси болажонларимиз учун билим тарқатувчи ва қизиқарли дастурлар яратиш;

соглом турмуш тарзини шакллантиришига қаратилган жисмоний тарбия ва согломлаштириши мавзусига багишланган курсатувлар;

Ўзбекистоннинг бой тарихий мероси, ранг-баранг ҳайвонот ва наботот дунёси ҳақида телекўрсатувлар тайёрлаш»;

66-бандида:

«Қўйидагилар:

замонавий технологиялардан самараали фойдаланиб, миллий ва оиласий кадрияларимизни мадҳ этувчи ўзбек халқ эртаклари, достонлари асосида болалар ва ёшлар учун 4 та бадиий ва 10 та мультиплексион фильмлар яратиш;

ўзбек оиласарининг бой миллий анъаналарига багишланган, айниқса, оиласа бўлган садоқат, ота-онага ҳурмат ҳақида, шу жумладан атоқли санъат арబоблари (Ҳамид Олимжон ва Зулфия, Саид Аҳмад ва Саида Зунуннова ҳамда бошқаларнинг) ҳаётни ва ижоди мисолида 2 та миллий сериал ва 5 та ҳужжатли фильм ишлаб чиқариш;

болалар ва ўсмиirlар учун камида 3 та миллий компьютер ўйинларини яратиш;

савиаси паст «оммавий маданият»нинг, оила ва жамиятдаги ҳаддан ошишларнинг ноҳуши оқибатларини кўрастиб берувчи медиа-лойиҳалар ва мақолаларни тайёрлаш;

авлодларнинг узвийлиги, ота-оналар билан болаларнинг ўзаро муносабатлари, ўзбек оиласарининг соглом анъаналари ва урф-одатларини сақлаб қолишига багишланган театрлар постановкаларининг репертуарларини яратиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириши» (5000.0 млн. сўм) кўзда тутилган.

Бунинг учун ҳамма шароит мухайё. Бу маърузада ҳам алоҳида қайд этилди. Яъни Конституциямиз ўзида миллий истиқлол гоясини ва умумбашарий қадрияларни мужассам этиб, миллий анъаналаримизни, она тилимизни тиклади. Инсоннинг маънавий камол топиши, ҳар томонлама ривожланиши учун зарур шароит яратди.

Ўзбекистонда комил инсонларни етиштирувчи тизим яратилди. Бунинг ширин-шакар мевалари ватанпарвар фарзандларимизнинг илм, спорт, санъат, технологиялардаги ғалабаларида кўришга ўрганиб колдик. «Мустаҳкам оила йили» ҳар биримизни ана шу имконият ва шароитлардан кўпроқ, самаралирок фойдаланишга чорламоқда.

АЁЛ

Аёл портретини педагогик мўйқаламда чизсак, унда эркакларда кам учрайдиган ҳамдардлик, дилсўзлик, меҳрибонлик, бироннинг гамини ўзиникидек хис кила олиш, ҳалимлик, шириңсўзлик фазилатлари етакчиллик килишини кўрамиз.

Аёл маънавияти – миллат фахри. Бунинг боиси нимада? Ҳар биримизда икки азиз кишининг намунаси, хислати мужассам. Бизнинг шаклими, шамойилимизда ҳам ўша икки азиз мужассам. Булар она ва отадир. Гўдак шахсияти асосан З ёшгача шаклланиши исботланган. Бола З ёшгача кимнинг муттасил қарамоғида бўлади? Онанинг. Демак, она ўзи билиб, билмаган ҳолда миллатнинг янги авлодларини яратади. «Оналар бир парча гўштдин баркамол одам килур» деган машхур газални эсланг-а. Ана шунинг учун ҳам улар азиздирлар.

«Маълумки, ўзбек ҳалки азалдан ўзининг болажонлиги, оила-парварлиги билан ажралиб туради. Албатта, фарзандга меҳр кўйиш, уларнинг корнини тўқ, устини бут килиш ўз йўли билан, лекин болаларимизни ёшлик ҷоғидан бошлаб миллий тарбия, ахлоқ-одоб, юксак маънавият асосида вояга етказиш биз учун доимо долзарб аҳамият касб этиб келган. Бу масалага эътибор бермаслик нафакат айrim ота-оналар, балки бутун жамият учун жуда кимматга тушишини ҳам кўпгина хаётий мисолларда кўриш мумкин», дейди Президентимиз Ислом Каримов.

Она – биринчи тарбиячи. Экканингни ўрасан, дейдилар. Дарҳакиқат, шудгор ўз ҳолига ташлаб кўйилса, ўт-ўландан бошқа нарса унмайди. Бола онги, маънавияти ҳам унга яхшилик уруғлари маҳсус экиб, маҳсус парвариш килинмас экан, ёмон сифатлари ота-онани ранжитаверади. Из-за кильдраверади. Чунки ёввойи ўт-ўланлар каби ёмон сифатлар ҳам парваришга муҳтож эмас. Дарҳакиқат, фазилат эккан ота-она ўғил-қизидан фазилат ўради. Баҳтили, хотиржам яшайди. Эътиборсиз ота-она хижолат, пушаймон ўради. Қай бири макбул? Ўзбек оналарининг миллий тарбияси тажрибаси биринчисига амал, иккинчисини инкор қиласди.

Ҳа. Ҳар биримизга «нима яхши», «нима ёмон»ligини аввало онамиз ўргатган. Шунинг учун ҳам «Бола лой – она кулол» дейди ҳалкимиз. Бу ҳакиқат умуминсоний даражада эътироф этилган. Буюк чех педагоги Ян Амос Коменский бундан 300 йил олдин «Оналар мактаби» китобида, швейцариялик педагог И.Г.Песталоцци 1903 йилда «Оналар учун китоб»ида, рус педагоги К.Д. Ушинский «Она тили», Алий Назиймо

«Таълим банот»да, Абдурауф Фитрат «Оила» китобларида оналар тарбиясини мадҳ килганлари бежиз эмас.

Аёл меҳри, меҳрибонлиги туғма эмас, тарбиянинг – онанинг машаккатли, кундалик тарбияси маҳсули демак. Бувиларимиз меҳрибон бўлмасалар эди, оналаримиз бунчалар мунис, меҳрибон бўлмас эдилар. Ҳозирги, оналаримиздаги меҳр, меҳрибонлик кизларимизга – XXI асрнинг ўзбек оналарига ўтади. Она тарбияси – ўгитни ибрат, ўргатишни намуна билан мустажкамлагани учун ҳам таъсирили.

Шундай деймизу, бунинг қандай содир бўлаётганини сезмаймиз. Келинг шу кўзга кўринмас, лекин ҳар куни, ҳар соат, ҳар дақикада, ҳар бир оиласда кечаётган оналар тарбиясига бир назар ташлайлик. Максадимиз – ўзбек аёлинин бунчалар мунис, меҳрибон, дилсўз, гиргиттон, ватанпарвар, меҳрпарвар қилаётган миллий тарбия синоатларини кузатиш бўлсин.

Аёл, она – кеча она тарбиясини олган муниса киз. Қиз туғилган оиласда ота-она, кавму кариндош, айникса кудаларнинг шодлиги ўзгача бўлади. «Қиз бола дадасига меҳрибон бўлади» деган сўзлардан сархушлик хукмрон. Беихтиёр шоирнинг қиз узатган ота-она номидан айтган ушбу сатрлари ёдга тушади:

Ота: Ушбу кунда чехралар баҳт бирла кулган отамиз,
Яҳшиларнинг ўғлига қайнота бўлган отамиз
Отадан ўғил колар деб, кизларни ранжитиб,
Киз узатганда кўзи ёшларга тўлган отамиз.
Жон кизим, жоним кизим, жонимга дармоним қизим,
Отасининг эркасию, энди меҳмоним қизим.

Она: Совчиларга «Кудалар кутсин», десам, ҳеч кўнмади,
«Укаларин ўйнатиб юрсин», десам, ҳеч кўнмади,
«Онасининг хизматин килсин», десам, ҳеч кўнмади,
«Ота-она меҳридан тўйисин», десам, ҳеч кўнмади.
Жон кизим, жоним кизим, жонимга дармоним қизим.
Онасининг эркасию, энди меҳмоним қизим.

Ота: Оталик пандим эшит, кильма фаромуш ҳеч качон,
Энди сенга икки ота, икки она меҳрибон.
Қайнотангни «Ота» де, қайнантангни «Онажон»,
Рози бўлса шавҳаринг, мен розиман икки жаҳон.
Жон кизим, жоним кизим, жонимган дармоним қизим,
Отасининг эркасию, энди меҳмоним қизим...

Она: Ўтмади бир кун ҳали, ўрнинг билинди, кизгинам,
Дамлади чойни онанг, қадринг билинди, кизгинам.
Йиглади танҳо ўзи, меҳринг билинди, кизгинам.
Йиглама, кўй, розиман, баҳтли бўл энди, кизгинам.
Жон қизим, жоним кизим, жонимга дармоним қизим,
Онасининг эркасию, энди меҳмоним қизим...

Мурғаккина жон – кизалок кўзларини очди... Ҳали очилмаган, хеч нарсани кўрмаган кўзлар. Бу кўзлар очилиб, ўзига тикилган баҳтиёр кўзларга тушди. Кизалок ҳали бунчалар меҳр билан ўзига интизор тикилиб турган ким, бу гўзал чехра, кўзлар кимники эканлигини ҳали билмайди. Чунки бу сўзларни у ҳали эшитмаган. Балки бу сўз инглизча «мазе», балки ўзбекча «ойи», балки «модар», арабча «мут», балки «муттер», ҳиндча «амма», хитойча «му» бўлар. Буни унга онаси, акаси, бувиси кейинрок ўргатишади. Қайси тилда бўлишидан катъий назар миллый тарбия ОНА сўзи айтилган, эшитилган лаҳзадан бошланади. «ОНА» сўзи гўдакни ўша ҳалк, ўна миллатнинг фарзандига айлантиради. Ана шунинг учун ҳам дунёда тилга ОНА сўзи кўшилиб Она тили дейилади.

Боланинг тили чика бошлади. У кимдан нусха олади? Онасининг тилидан. Ишонмасангиз кузатинг. Қайси шевалигидан катъий назар киз боланинг овозини ҳам, тилини, шевасини ҳам онасидан олганлигини кўраверасиз. Бунинг сабаби илохий эмас, дунёвий, хаётий, бошкacha қилиб айтганда – ижтимоий.

Одам зотига хос яхши-ёмон фазилатлар сўз, тушунча орқали айтилади, ёзилади. Кўзлар эса одамлардаги фазилатларни кўради. Автобусга чиқишига юки билан кийналиб турган аёлга ёрдамлашаётган йигитни курганда хаёлингиздан нима кечади? «Барака топсин, зап яхши йигит экан» деймиз. Ўша кекса аёлга жой бермай, «биноларни кузатиб» кетаётган бошка бир кизил юзли йигитга кўзингиз тушди. Хойнаҳой ёкимсиз фикрдан ҳаяжонда турасиз. Демак, нима яхшию, нима ёмон саволларига жавоблар ҳам сўзда, тилда, она тилда бор. Ана шу сўзларни англатишнинг аввалида ОНА туради. Дастваб Онанинг сўзлар маъносини тушунтириб, бизни ўқитади, тарбиялади. Демак, она – ҳар бир ўзбекистонликдаги маънавият пойдеворининг асосчиси.

Агар маънавиятимизда кемтикликлар бўлса, бунга сабаб, катта бўла борганимиз сари оналаримиз ўйтларидан узоклашганимизда, ўзбoshимчалигимиизда, бизни ўраб олган айрим кишиларга хос ношойиста килик, бузук фикрларнинг зарарли таъсирига карши тура олмаганилигимизда.

Оналар миллый давлатчилигимиизни, маънавиятимизни, мафкурамизни тиклашга миллый бирликни мустаҳкамлашга ёрдам бера оладилар. Бунга онанинг оиласидаги ўрни, мавкеи мисол. Ишдан келгач, аёлини кўрмаса, отанинг болаларига берадиган биринчи саволи кандай бўлади? Топдингиз! – «Ойинг кани?» – дейди. Опа, ака, ука кўчадан кириб, «Ойим канилар» дейди. Болаликда отамизга ботиниб айта олмаган гап, сирларни кимга айтамиз? Онамизга. Она ўзини боласига кўприк, балогардон килали, отамизнинг қаттиқ гап, талабини бизга беозор етказади. Маколларга мурожаат килайлик: «Онанинг кўнгли болада, боланинг кўнгли – дала-да», «Бола ҳам она дейди, она ҳам она дейди», «Онангнинг яхшилигини бемор бўлсанг биларсан».

«Мустаҳкам оила» йили жамики оталар, ака-укалар, ўғлонларни ҳар

куни, ҳамма жойда кўчада, транспорт, бозор, маҳаллада миллат оналари – Аёлларни алоҳида иззатлашга даъват килаётир. Зеро аёлларимиз бир хурматимизни ўн хурмат билан кайтаришади. Бундан ҳаётимиз янада гўзал бўлади. Ахир энг арzon ва энг киммат неъмат бу – хушмуомалалик эмасми?

Афсуски, айrim цивилизациялашган мамлакатларда аёл факат жисмоний гўзаллик манбаи сифатида кўрилмокда. Чет эл реклама, фильмларини бир эсланг. Буни аёлни Инсон сифатида улуғлаш деб бўладими? Асло. Ҳа, аёл гўзал. Лекин унга томоша буюми, тижорат воситаси сифатида эмас, Инсон сифатида қараш, эъзозлашнинг олий намунаси ҳозир факат бизда, Ўзбекистонда бор. Тўғри, бизда ҳам аёл сиймоси рекламаларда учрайди. Лекин бизда аёлнинг Инсонлиги, ибоси, ҳаёси, маънавий гўзаллиги яққол кўриниб туради.

Оналар олдида масъулиятили вазифалар турибди. Бу ҳам бўлса, фарзандларимизни биздан кўра билимли, кучли, доно килиб тарбияламоқдир. Аёл – миллат онаси, ватанпарварлик тарбиячиси. Ҳозирги мураккаб маънавий янгиланишда оналар нафакат рўзгор, балки миллат даражасида тафаккур килиб, буни ўғил-қизларга сингдириши лозим бўлади.

Оила – бахт маскани

Одам кўпинча борининг кадрига етмайди. Нолийди, шукрни унутиб кўяди. Бахтни, ахилликни, бирдамликни ўзи яратиши кераклигини ҳам. Ҳудди меҳр доим уни унутиб туриши керакдай. Ўзбек доимо бирорвга, айникса, оиласига меҳр берган, эвазига меҳр кўрган. Айrim мамлакатларда – бунинг акси. Оила тушунчаси йўқолиб, иши миллионлаб одамлар орасида Робинзон Крузодек яшаети. У ҳеч кимга, ҳеч ким унга керак эмас. Шўролар пойтахти, киш фасли эди. Кўп қаватли уйлар орасидаги скамейкаларга териб кўйилган котиб колган мурдаларни кўрганмиз. Болалари ташлаб кетган айrim кекса ота-оналар каровсизликдан квартиralарда ўлиб колар эди.

Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарофиддиновнинг сўзи ибратли: «Оила инсоннинг ҳамма сиру синоатларини ўзида мужассамлаган олтин сандик, уни бахт фабрикаси деб атаса ҳам бўлади. Ва хусусан, инсоннинг қайгу-аламлари, дарду ҳасратлари, кўз ёшлари ҳам оиладан бошланади. Шунинг учун ҳам оилани куёвни ҳам, келинни ҳам инсон килиб тарбиялайдиган бетимсол мактаб ҳисоблайман. Унинг китобларини тинимсиз ўкиш, сабокларидан ибрат олиш нақадар марокли. Дунёнинг баъзи мамлакатларида одамлар жамиятнинг маънавий-ахлокий жихатдан емирилиб бораётганлигини кузатиб турибмиз¹⁶«.

Ҳозирги ўзбек адабиётида оила, ота-бала муносабатлари мавзусида яхши асарлар бор. Ёзувчи Хайриддин Султоннинг «Граждан мудофааси», «Пластинка» номли хикояларини топиб ўкинг. Ўзбек оталарининг ҳеч

¹⁶ «Оила» журнали, 2005, №1, 3-бет.

кимга гапирмайдиган, факат ўзи билан юриб, ўзи билан бирга кетадиган гох ушаладиган. гоҳида ушалмайдиган орзу-ўйларини билиб оласиз.

Бахтли оиласи сири нимада?

Нью-Йоркдаги ички оиласи муносабатлар иши бўйича судда ўн бир йил ишлаган Бесси Хамбургернинг айтишича, кўрилган мингта ишдан эркакнинг уйдан чиқиб кетишига ягона сабаб хотинининг хархашаси экан. «Бостон пост» газетасининг ёзишига қаратанда, бирор аёл ўзининг оиласи бахтига кабр казир экан, аста-секин уни чукурлаштириб бораверади.

Оиласи ҳаётингизни бахтли сакламоқчи экансиз, биринчи қоидани каттик тутинг:

Хархаша қилманг, хархашанинг асло хожати йўқ!!!

Леланд Фостер Вуд шундай деган эди: «Муваффакиягли никоҳ – москишини топиш лаёкатидан анча устивор; шу билан бирга бу ўзи хам айнан шундай одам бўлиш қобилияти демакдир».

Оиласи ҳаётингизни бахтли сакламоқчи экансиз, иккинчи қоидани маҳкам тутинг:

Ўз умр йўлдошингизни танқид қилманг.

Никоҳ муваффакиятсизликларининг энг асосий сабабларидан бири бу – танқид, бир тийинга киммат, юракни зада киладиган танқид хисобланади.

Бир-бирингизга чин юракдан ўзингизнинг миннатдор-чилигингизни билдириб туринг.

Кўп ҳолларда оиласи келишмовчиликлар негизида арзимайдиган нарсалар ётади. Совуқконлик қанчадан қанча ажralиб кетишига сабабчи бўлганди.

Бир-бирингизга иложи борича мўъжазгина эътиборга молик белгилар кўрсатинг.

Агар ёш келинлар ўз эрларига худди бошқалар билан муносабатда бўлганидек хушмуомала бўлишганида турмуш бошқача кечарди! Ҳар кандай эркак урушкок хотиндан безор бўлиб кочади. Қўполлик хам худди рак шиши каби меҳр-муҳаббатни кемириб кетаверади. Ҳар биримиз жуда яхши биламизки, биз ўз яқин кишиларимизга нисбатан бегона кишиларга хушмуомала муносабатда бўламиз. Факат оиласиз аъзолари, яъни бизга энг яқин ва кадрдан одамларнигина арзимас сабаблар учун ҳакорат қилишта ҳаддимиз сиғади.

Сертақаллуф, сермулозамат бўлинг. (fikr.uz сайтидан олинди)

Юкоридагиларга кўшимча сифатида яна шуни айтиш мумкинки, бир-бирини тушуниб яшаш, жаҳолатга карши жаҳл билан эмас акл билан курашиб, ҳар бир киши ўз килган килмишига икрор бўлиб, уни тўғрилашга ҳаракат қилиши, имкон даражасида ўтган ёмонликларини унтушиб, яхши амалларни эслаб туриш, турмуш ўртоғининг ота-онаси, акаука ва опа сингиллари хамда бошқа яқинлари ҳакида ёмон фикрлар

билдиришдан ўирок бўлиш, аксинча улар ҳакида ижобий фикрларни билдириб турниш ҳам баҳтли оиласининг асосий омиллари бўлиб хизмат килади. Мустаҳкам онланинг сирли асосларини ҳамина кидириб, топиб уларга амал килиб яшаш ҳам оиласи мустаҳкамлайди.

МИЛЛИЙ ТАРБИЯ – ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИНИНГ АСОСИ

Тарбия жараёни шахснинг муайян мақсад асосида ижтимоий ҳаётга тайёрловчи тарихий-ижтимоий тажрибага суюнган ҳолда олиб борувчи фаолият жараёнидир. Тарбия хусусида таникли ўзбек педагоги Абдулла Авлоний шундай дейди: «Ал ҳосил тарбия бизлар учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласидир». Ушбу фикрлардан хулоса чиқарсан, шахс тарбияси хусусий эмас, балки ижтимоий миллий илмидир. Зоро, ҳар бир ҳалқнинг тараккӣ этиши, давлатларнинг кудратли бўлиши авлодлар тарбиясига кўп жихатдан боғлик.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тӯғрисида»ги Конуни, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг катор асар ва нуткларида, чунончи, «Баркамол авлод – Ўзбекистон тараккиётининг пойдевори», «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда», «Юксак маънавият – енгилмас куч» номли асарларида мустакил республикада ижтимоий тарбияни йўлга кўйиш мақсади ва вазифалари, таълим ва тарбия бирлиги масалалари белгилаб берилган.

Тарбия – шахсни мақсадга мувофик такомиллаштириш учун ўюнтирилган педагогик жараён бўлиб, тарбияланувчининг шахсига мунтазам ва тизимли таъсир этиш имконини беради.

Тарбия – шахсда муайян жисмоний, руҳий, ахлокий, маънавий сифатларни шакллантиришга каратилган амалий педагогик жараён; инсоннинг жамиятда яшаши учун зарур бўлган хиссиятларга эга бўлишини таъминлаш йўлида кўриладиган чора-тадбирлар йигинидиси.

Демак, **тарбия** ижтимоий ҳодиса бўлиб, инсоннинг шахс бўлиб шаклланишини таъминлайдиган энг кадимий ва абадий маънавий ишдир.

Тарбияни самарали йўлга кўйиш учун унинг ҳаракатлантирувчи кучини – тарбия жараёнининг манбасини яхши билиш ва ҳисобга олиш мухимдир. Тарбия жараённида ички ва ташқи қарама-каршиликлар мавжуд бўлиб, у бевосита тарбияланганлик даражасига боғлик бўлади. Тарбияда ўкувчиларнинг тарбияланганлик даражасини ҳам ҳисобга олиш керак бўлади

Тарбия жараённида унинг мақсади, шакли, воситалари, шахснинг ўзини-ўзи тарбиялаш ва қайта тарбиялаш жиҳатлари мухим ўрин тутади.

Тарбия мазмуни ижтимоий тузум буюртмаси асосида белгиланиб, унинг амалга ошиши учун маълум шарт-шароитларнинг мавжудлиги талаб этилади.

Одам боласи пок, ахлокан баркамол бўлиш учун тенг имконият билан туғилади. Бирок ота-оналарнинг фарзанд тарбияси тўғрисидаги билим, хафсала ва масъулиятлари турлича. Шу сабабли айрим ота-оналар фарзандларини ўзлари, эл-юртимиз, давлатимиз кутаётганидек тарбиялаб, вояга етказа олмаганларидан аччик пушаймонда бўлиш ўрнига турли баҳоналар билан бошқа айбордларни қидиришга харакат киладилар.

Тарбия нима? Тарбия – фазилат ўргатишидир. Бола тарбиясида у яшаб турган шароит, мухит, кишиларнинг роли катта бўлиши билан бир каторда, асосий ўринда оила, таълим муассасасининг шароити гоят мухим аҳамиятга эга. Таълим ва тарбияни ўргатишидан максад ҳам, натижа ҳам аниқ бўлиши керак. Ота-она фарзандига истаган пайтда, хоҳлаган моддий нарсасини олиб бериши мумкин экану, аммо маънавий баҳтини олиб бериши қийин экан.

Таълим-тарбия соҳасида инсоният, шу жумладан, улуғ аждодларимиз яратган билимлар мужассамлаштирилса, комил инсон сифатлари, асосан, ззгу ният, хур фикрлик, ззгу сўз, хушмуомалилилк, ззгу иш, ззгу фаолиятдан иборатлигини кўрамиз.

Тарбия масаласида оиласида мухим маънавий, маданий хусусиятларидан бири – унинг миллийлигидир. Шу туфайли у ўзида муайян миллий маънавият, миллий тарбия маданиятини у ёки бу даражада акс эттиради. Ўзбек оиласида миллийлик ва тарбияга муносабатлар тадқиқотларнинг натижаларига кўра тўрт гурухга бўлинади. Булар:

1. Бола тарбиясига кадимийчасига ёки авторитар ёндашув.
2. Либерал -кўнгилчан ёндашув.
3. Миллий-замонавий, демократик ёндашув.
4. Маргинал ёндашув (бошка миллий маданият асосида тарбиялаш)лардан иборатdir.

Ота-онанинг оиласида фарзандлар тарбияси билан максадли, тизимили шуғулланаётганини ёки эътиборсизлиги шундай ҳолатларга олиб келишигини сезиш қийин эмас. Ота-она обрўсини, аслида, уларнинг фарзанди шахси билан кизикиши, ўсиб бораётган эҳтиёжларини ўрганиб, бошқариб, кондириб бориши оширади. Ҳаётда ота-онанинг тарбиячи сифатидаги обрўсини туширувчи сабаблар қуидагилардир:

Ота-она ўзини, асосан, фарзандининг бокувчиси сифатида англаб, тарбиячи эканини чукур англамаслиги;

Оиласарда учровчи ахлоқсиз турмуш тарзи;

Ота-онанинг болаларига айтган сўzlари, панд-насиҳатлари ва амалдаги хатти-харакатлари орасидаги тафовут;

Ота-онанинг фарзандига қилган хизматини миннат қилавериши, улар билан асосан, буйрук, хукм тарзидаги муюмала қилиши;

Ота-онанинг фарзандлари ҳаёти, кизикишларига эътиборсизлиги,

уларга вакт ва диккат ажратмасликлари, оила юмушларига мезеридан жалб килмаслиги (ўсмирлар ўзларига нисбатан бефарклидан каттиқ изтироб чекадилар, у ота-она ва ўсмир орасига совуқчилик туширади);

Фарзандлари билан муомала ва бошка муносабатларда уларнинг ёш хусусиятларидан келиб чиқмаслик кабилар.

Ота-она фарзандининг ёш хусусиятлари (айникса ўсмирлик, ёшлиқ даврлар)ни билмаслиги туфайли уларни ота-онадан (кўпчилик ҳолларда отадан) маънан ва қалбан узоклашувига олиб келадиган сабабларнинг айримлари куйидагилардир:

ота-она ўзини фарзанди учун доимо шахсий намуна эканини англамаслиги;

ота-она, оила аъзолари орасида фарзанд олдига қўйиладиган тарбиявий талабларда яқдилликнинг етишмаслиги;

ўкувчи фарзандининг кундалик ҳаётидаги режасизлик, тартибсизлик, аник мақсадга йўналтирилмаганлик;

рағбатлантириш ва жазолашда тарбиявий мақсад устиворлигини англамаслик;

миллий қадриятларга хурмат хиссини шакллантиришда изчилликнинг етишмаслиги;

болани тан жазоси билан қўркитиш;

ота-онанинг фарзандлар кўз ўнгига тез-тез жанжаллашиб туриши; ошкора ичкиликбозлик қилиниши;

бехаёс сўзлар, қарғишлар, сўкинишлар; ўз фарзандини хеч шубҳасиз «энг яхши» деб ҳисоблаш;

болаларни хаддан зиёд «замонавий мода»ларда ясантиришга хирс кўйиш;

фарзандига ваъда бериб бажармаслик;

мактаб билан таълим-тарбиявий хамкорликдан ўзини четга олиш;

ўкувчи болаларини ўз аждодлари, шажаралари билан таништирмаслик ва бошқалар.

Ёшларимиз тарбиясини турли никобдаги нуксонлар, мафкуравий таҳдид, хатарлардан асраш учун оила ва таълим муассасаларида миллий тарбия жараёнини ташкил этишнинг педагогик хусусиятларини ва уни фаол маънавий химоя омилига айланишида ота-оналар, педагогларнинг бу борадаги билим, кўникма ва малакаларини узлуксиз такомиллаштириш давр талабидир.

«Ўкувчининг миллий роли» тушунчаси миллий тарбияни таҳдид килиш учун социологик калит вазифасини ўтайди. Чунки бу тушунчанинг кўпкирралилиги миллий-замонавий ҳаёт жабхаларини, миллий тарбия йўналишларини илғаб олиш имконини беради. Миллий тарбия тизимиши «миллий роль» тушунчаси орқали ўрганиш ҳар бир ўзбек ўғилкизини илк ёшларидан «яхши бола», «яхши ака, ука, сингил, опа», «яхши жиян, тоға, бўла», «яхши мэдмон, мезбон», «яхши дуст», «одобли бола» каби «унвонли» муносабатга тайёрлаш механизми очиб

беради. Кеңг маънода эса ўқувчининг миллий ролини ўзлашгириши – ўз ичига миллий фазилатларни, миллий ахлок меъёrlарини сингдириши, миллий ҳаётга тайёргарлик жараёнларини ҳам жамлайди.

Умуман олганда, миллий тарбия тизими оиласлар мустаҳкамлигига энг муҳим аҳамиятга эга воситадир. Тарбия факат оиласлагина берилмайди. Шу маънода тарбия учун нафакат оила, балки мактаб ва маҳалалар ҳам масъулиятлидирлар. Чунки тарбиянинг натижаси бутун миллийнинг тақдирин билан боғлиқ масаладир.

Ўтган асрнинг атоқли ўзбек педагогларидан бири Абдурауф Фитрат ҳам ўзининг «Оила ёки оиласи бошқариш тартиблари» асарида шундай деб ёзди: «*Миллат тақдирни мана шумиллат вакиллари яшаган оиласини ҳолатига боғлиқдир...* Қаерда оила муносабати қучин шинтисомга таянса, муносабат ва миллат ҳам шунча кучли ва тартибли бўлади»¹⁷. Дарҳакикат, биз бунинг исботини бугун ўз ҳаётимизда кўриб турибмиз. Давлатимиз томонидан ҳам айнан шундай мезон асосида иш олиб борилмоқда. Зоро, Юртбошимиз тўғри таъкидлаганларидек, «..*ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан етук, ўз мустақил фикрига эга, оқни қорадан ажратишига, тараққий тонгдан давлатлардаги тенгдошлиари билан беллашишига қодир бўлган баркамоғ авлоҳни тарбиялаш, уларнинг соглигини асраш, ҳаётга йўллашда оиласининг ўрнини ҳеч нарса билан баҳолаб бўлмаслигини биз юксак қадрлаймиз*».

Ота-оналарнинг бола тарбияси учун масъулиятини оширишда нималарга эътибор қарятиши зарур?

Ёши 40 ва ундан юкори ота-оналарнинг фарзандлари ёш, ўспирин бўлиб, ўзлари фаолиятининг энг қизгин даврида бўлишади. Шу сабабли, уларнинг бола тарбиясига ажратаетган вактлари ҳам камая бормоқда. Бунинг қатор бошқа сабаблари ҳам бор. Жумладан, бу даврда аксарият ота-оналар ўзлари алоҳида – бобо ва бувиларидан ажралиб яшайдилар. Иш, хизмат ташвишлари ҳам уларнинг бола тарбиясига ажратишлари керак бўлган вактларини кискартироқда. Муаммонинг субъектив сабаблари ҳам бор: 40-50 ёшда эр-хотинда оиласдан озгина дам олиш, «ўзи учун яшаб олиш» даври бошланади. Натижада ота, она оиласдан ташкарида дам олишга интила бошлайди. Бу ҳам ёш ва ота-она орасидаги тарбиявий муносабатларнинг мулокатларнинг камайишига олиб келиб, оиласининг тарбиявий таъсирини сусайтиради.

Тахлиллар шуни кўрсатдики, болаларнинг ёши орта боргани сари уларнинг ота-оналар билан мулокот вақти кискара боради. Масалан, 4-7

¹⁷ Абдурауф Фитрат. Оила. – Т.: “Маънавият”, 1998. 8-бет.

¹⁸ Бизниш Йўлимиз – демократик ислоҳотларни чукурлаштириш ва модернизация жаръенларини изчили давом эттириш йўлидир. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган ташланали маросимдаги мъурказасидан. “Ўзбекистон овози” 2011 йил 9 декабрь.

ёшли болалар ота-оналари билан бирга меҳмонга, дам олишига боришлари кўп, 12-16 ёшли ёшларда эса бу жуда кам учрайди.

Ёзги таътиғи қунлари болаларнинг бўйи вақтини сермазмун ва фойдали ўтказиш учун ҳар бир оиласда ота-оналар болаларниң бир қунлик, ёки бир ҳафталик кун тартибини режалаштиришига ўргатиш, яъни болаларни эркин ҳолатда уларниң ўзларига «Қани айтчи ўғлим, қизиб бу ҳафтани җандай ўтказмоқчисизлар»- деган мурожаат билан уларниң ўзлари мустақил қунлик режисмларини тузишини, улар белгилаган режимни биргаликда кўриб чиқши, маъқул бўлган жойларини қўйла боқувватлаши, баъзиларини шаронитни ҳисобга олган ҳолда таҳрир қилиниди жуда вазминлик билан педагогик тўғри ёндашиш лозими.

Жамиятда содир бўладиган қонунбузарликлар ва ёшларнинг хархил оқимларга киришининг асосий сабабини билиш муҳим вазифа

Хўш, нима туфайли жамиятда конунбузарликлар ва ёшларнинг хархил оқимларга кириши содир бўлмокда? Маҳалла, оиласадаги тарбиявий камчиликлар туфайли.

2000 йил 6 сентябр куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Террорчи гурухлар таркибига адасиб кириб колган Ўзбекистон фукароларини жиной жавобгарликдан озод этиш тўғрисидаги» фармони эълон килинди. Президентимиз Ўзбекистонга кўшни бўлган давлатлар худудидаги террорчи гурухлар таркибига адасиб кириб колган, ватанига, отаонаси бағрига кайтиб, тинч ҳаёт кечиришни ният қилган фукароларимизга яна бир бор имконият бериш, уларни беҳуда қурбон бўлишига йўл кўймаслик максадида, инсонпарварлик туйғу ва интилишларидан келиб чиқиб ҳамда кўпчилик фукароларимизнинг ҳоҳиш-истакларини инобатта олган ҳолда ушбу фармонга имзо чекдилар.

Демак, ота-онанинг бола тарбиясида шахсан намуна кўрсатишлари, бир-бирларини хурмат килишлари, бир-бирларига кўмаклашишлари ва гамхўрлик килишлари, меҳрибонлик ҳамда хушфеъллик билан муоммалада бўлишлари билан бирга бутун ўта муҳим вазифа – фарзандларини миллий ғоямизга садоқатли, мустақилликни мустаҳкамлашнинг онгли, фаол фидойилари этиб тарбиялаш вазифасини юклайди. Агар болалар оиласда нафакат ахлок-одобни, балки ота-онанинг ғоявий карашлари, катта-харакатларини муносабатларини ҳам ўз кўзлари билан кўрсалар, катта бўлғанларида уларнинг ўзлари ҳам худди шундай эътиқодли бўлишга одатланадилар.

Оиласада ота-оналарга тарбиячи сифатида доим катта эътибор берилади? Бунинг сабаби нимада?

Онанинг оиласадаги муҳим тарбиячи сифатидаги ўрнини ва ролини файласуфлар, маърифатчилар, йирик ижодкорлар алоҳида таъкидлаб

ўтишган. Уларнинг куйида келтирилган ҳикматли иборалари фикримиз-нинг далилидир:

Тартиб-интизомнинг энг зўр мактаби – оила (С.Смайлс).

Миллатнинг келажаги оналар кўлидадир.(О.Бальзак.).

Бизга яхши оналарни беринглар, биз яхши одам бўлиб етишамиз.
(Жанъ Поль.)

Она калби ҳикматларга тўла катта мактабдир. (Ўзбек мақоли).

ОНАЖОНИМ, БЎЛ САЛОМАТ

Каро туннинг навбати бор,
Нури офтоб ҳам омонат.
Қуёшдан зўр меҳри тайёр,
Онажоним, бўл саломат.

Дардим олиб, беришга жон,
Рози бўлмас ҳеч бир инсон.
Сен розисан! Бўлма курбон!
Онажоним, бўл саломат!

Ўзни эмас, бизни ўйлар,
Майин, ширин сўзни сўйлар.
Қилса, дейди катта тўйлар,
Онажоним бўл саломат.

Ўзга мендан килса ҳам ор.
Мен онамга, у менга зор.
Мухаммадига мададкор,
Онажоним, бўл саломат.

«Тарбияни ким қилур?», «Қайда килинур?» деган саволга биринчи жавоб: – уй тарбияси. Бу она вазифасидир. Иккинчи мактаб ва мадраса тарбияси. «Бу ота, муаллим, мударрис ва хукумат вазифасидир». (А.Авлоний).

Бирок, кейинги пайтда вояга етмаган ёшлар, қолаверса, аёлларимиз орасида жиноятчилик, хукукбузарлик, гиёхвандлик моддаларини таркатиш билан боғлиқ жиноятчилик холатлари учраб турибди. Олиб борилган кузатувларимиз оиласларнинг гоявий тарбиявий имкониятларини такомиллаштириш маҳаллага оид маънавий-маърифий сиёsatдаги энг мухим вазифалардан бири эканлигини кўрсатмоқда.

Бола тарбияси факат ота-она учунгина эмас, жамият учун ҳам катта аҳамиятга эга. Фарзанд тарбиясида меҳрибонлик, яхши фазилатларни шакллантиришга интилиш, талабчанлик, баъзан асосли қаттиқкўллик билан бирга олиб борилса, ахлокий тарбияда етарли самарага зришилади.

Зеро, «Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқши ва тарбиялашга маҗбурдирлар.

Давлат ва жасият етим болаларни ва ота-оналарининг васийтигинан маҳрум бўлган болаларни боқши, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларни разгатлантиради»¹⁹ – дейилади Ўзбекистон Республикаси бош Комусининг 64-моддасида.

Тарбияда отанинг роли кандай бўлиши керак?

Таҳлилларимиз фарзанд тарбиясида оталарнинг роли сусайиб бора-ётганинги кўрсатди. Бу айникса оиласда гоявий тарбия учун накадар мухим. Отанинг роли фарзанд тарбиясида жуда катта. У эркак бўлгани учунгина эмас, балки у оила бошлиги сифатида ҳам оиласининг иктиносидай таъминоти билан бирга тарбиясига ҳам тўла жавобгардир.

Бугунги оталар нафакат ўз вактлари учун, балки фарзандларнинг бўш вактлари учун ҳам масъулмиз.

Оиласда гоявий тарбияни ташкил килиш ва бошкаришда отанинг роли ўта мухим. Ушбу муаммога Ўзбекистон халқ шоири Хуршид Даврон ўз фикрини шундай билдирган эди : «Миллий ғоя ва идеални белгилайдиган бош омил умумий миллий тарбиядир. Фақат ана шу нарса ягона ғоя ва идеални шакллантиради, уни парваришлаб, тараккий эттиради. Миллий тарбия икки омил – аввал оила (ота-она тарбияси), сўнгра мактаб мухитида шаклланмоғи лозим».²⁰

Ёзги таътил кунлари болаларнинг бўш вактини сермазмун ва фойдали ўtkазиш учун ҳар бир оиласда ота-оналар болаларнинг бир кунлик, ёки бир хафталик кун тартибини режалаштиришга ўргатиш, яъни болаларни эркин холатда уларнинг ўзларига «Қани айтчи ўғлим, кизим бу ҳафтани кандай ўтказмокчисизлар» – деган мурожаат билан уларнинг ўзлари мустакил кунлик режимларини тузишини, улар белгилаган режимни биргаликда кўриб чикиш, маъкул бўлган жойларини кўллаб-куватлаш, баъзиларини шароитни ҳисобга олган ҳолда таҳрир килишда жуда вазминлил, психологик тўғри ёндашиб лозим.

Ушбу фикрни тушунтириш учун турли ибратли мисоллардан фойдаланиши мумкин. Бундай ибратли оиласлар жуда кўп. Фақат уларни кидириб, топиб, тажрибаларини тўплаб бориш керак.

Ота-онанинг ўз фарзанди килаётган яхши фикр ва гояларини кўллаб-куватлаши жуда яхши. Аввало оиласда тарбия кўраётган болада келгусида доимо янги фикрларни ривожлантиришга, унинг ўзи бошлаган яхши гояларнинг ота-она томонидан кўллаб-куватланяётганидан ўз устида ишлашга янада чукур масъулиятни оширади.

Бундан ташкил болаларнинг ўспиринлик даврини ҳисобга олган

¹⁹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: «Ўзбекистон», 2003 йил.

²⁰ Х.Даврон. Алиномишининг уйгоши. / Тафаккур. 1994 йил I-сон. 17-бет.

холда ота-она уни бу даврга хос бўлган ёт гояларга берилнишидан асраниш лозим. Ўспириналлик давридаги турли хил алдамчи хисснётларга берилмасликка ҳам ёрдам беради.

Нега ота-оналар кўпинча ўсмир фарзандлари билан тиз топа олмаётганикларидан ишленишади?

Ўсмирилкни педагоглар болаликдан кагталика «ўтиш даври» деб атайдилар. Бу ёшда уларда интизомнинг, ўқишга қизиқишинг сусайиши, характерида дағаллик пайдо бўлиши кузатилади. Тез жахли чиқади. Ота-онанинг гапшарига илгари сўзсиз кўшилган бўлса, энди танкид килади.

Бирорлардаги камчиликларни бўрттириб кўрсатади. Ўспириналлик – «ота-онам кўп нарсаларни билмайди» дейдиган давр. Бу давр – орзулар даври. Сирдош дўст, идеал сухбатдош кидириш даври.²¹

Ўсмиринг шахсий эҳтиёж, манфаатларида жиддий ўзгариш рўй беради. Усмирида ўзининг жисмоний ва психик «Мен»ига қизиқиши ортади. Л.С.Виготский фикрига кўра «эгоцентрик доминанта» етакчи бўлиб колади.

Ўсмир энди ўзининг ёш бола эмаслигини таъкидлайди. ўзини катта одам сифатида ҳис эта бошлайди, кагталардек бўлишга интилади. Аммо унинг бундай интилишлари ота-оналар, тарбиячилар, ўқитувчилар, бегоналарнинг каршилигига учрайди. Бундай каршилик очик катъий, масхаромуз ёки яширин бўлиши мумкин. Ўсмиринг «етуклитини» «вакт жихатдан ортга суриш»га интилиш кузатилади. Бу эса муносабатларда кескинликни келтириб чиқаради. Ўсмири ўзининг «мен»ини исботлаш учун ўжарлик билан кутилмаган ишларни килади, акс холда унга хеч ким кулок солмаслигини билади. Ёшни кутилмаган, такикланган ишларга берилувчанилиги ҳам шу билан изохланади. Ичкиликбозлик ва гиёхвандликка эрта берилиш, жинсий алоқаларни ёшлиқдан бошлайи, хулқда кескинликнинг пайдо бўлиши айнан ўсмирининг ўзини кўрсатишга бўлган иитилишдан далолат бўлиши мумкин.

Ота-онанинг талаблари ёки уларнинг хавотирлари баъзи ўсмириларни тўхтата олмайди. Улар энди кўрсатмаларга зътибор беришмайди, «бўйсунишини хоҳламайди» (Ж.Ж.Руссо). Унинг хулқида ота-онасига нисбатан янгича муносабат пайдо бўлади, яъни «Агар ота-онам мени хозирги ахволимда кабул килмаса, мен ҳам уларни кабул қилмайман», деган ақидани миясига сингдириб олади. Ота-оналарнинг пандонасиҳатлари унинг учун салбий маъно касб этиб, асабини кўзгайверади. Муносабатлардаги бу калтис ҳолатда кўпгина ота-оналар фарзандларини эгоизмда айблайдилар. Шунинг учун ўсмирининг оиласидан узоклашувига ўзининг ёлгизланиб колганлиги ва атрофдагилар уни катта сифатида кабул килмаганлиги сабаб бўлиши мумкин.

Окибатда ўсмир ўз маънавияти, қизикишлари, баҳоси, интилишла-

²¹ М.Куронов Отазар китоби. – Т.: «O'zbekiston», 2006. 42–49-бетлар.

рини тушунадиган хамфикр дўстлар кидиради. Улар учун «ўзинники» бўлиб колишига харакат қиласди ва уларнинг орасида ўсишни хоҳлади. Шундай килиб, у ўз оиласидан узоклашиб, ўзи учун маъкул бўлган гурухга кўшилади ва «мустакилликка» эришади. Бу турух кандай бўлиши, нималарга интилиши номаълум. Шунинг учун ўсмир ёшидаги фарзанд тарбияси ота-оналардан педагогик билимларни талаб қиласди.

Таълим муассасаси-маҳалла-оила ҳамкорлигини гашкил қилинада ўқитувчилар учун тавсиялар:

- Ота-онага таъсир ўтказмокчи бўлсангиз уларнинг болаларини яхши кўринг. Болани ота-онаси олдидаги уришманг. Ютуқ ва камчиликларини таҳлил қилинг. Оиласага бола (ўкувчи) орқали таъсир қилинг.
- Ота-она Сизда нафакат ўз фарзандига, балки бутун синф жамоасига муҳаббатни кўрсинг.
- Ҳар бир оиласининг маънавий мухитини ўрганинг. Ижобий ютуқларни умумлаштира боринг.
- Шундай қилингки, ҳар бир ота-она ўз фарзандлари тарбиясида сиз билан сирдош бўлсин.
- Ота-оналарга ўзларини кандай тутишлари фарзанд тарбияси учун фойдали бўлиши, боланинг оиласидаги ўрни, мавкеи кандай бўлиши маъкуллиги тўғрисида самимий, дўстона маслаҳатлар бера боринг.
- Шуни яхши билингки, синф раҳбари бола тарбияси манфаатларидан келиб чиқиб ота-оналарга ижтимоий талаблар кўйиш хукукига эга. Бу талаблар педагогик тавсиялар шаклида ифодаланади.
- Оиласарда бўлиш керак: Ҳар бир ота-она билан учрашув олдиндан режалаштирилиши лозим. Бирок расмий, «текшириш» бўлмаслиги керак.
- Ота-оналар мажлисини нуқул хулки, ўкиши ёмон ўкувчилар, уларнинг ота-оналари мухокамасига айлантириб юборманг.
- Мажлисларда фақат ўзлаштириш ва тарбия борасидаги мониторинглар билан эмас, ота-оналар учун ижтимоий, тарбиявий мавзуларда сухбатлар ўтказинг.
- Ота-оналарнинг Сиз билан педагогик сирдош, самимий сухбатдош бўлишига эришинг. Токи улар Сизга айтган тарбиявий муаммоларни тўғри тушуна олишини гиздан ва гаплари ерда қолмаслигидан кўнгиллари тўйк бўлсин.

МУСТАҲКАМ ОИЛАНИНГ МИЛЛИЙ ҒОЯМИЗ РҮЁБИДАГИ ЎРНИ

Юртимиздаги ҳар бир инсон учун Ватан тушунчаси, аввало, оиладан бошланади. Шу боис оила ва мафкура тушунчалари чамбарчас бөглиқдир. Оиланинг жамиятдаги ўрни, тарбиявий ва ахлоқий аҳамияти, кадр-кимматини англаб етмасдан, оиласа миллат манфаати нуктаи назаридан ёндашмасдан туриб, халкчилик мафкура яратса олмаймиз²².

Ислом Каримов

Оила ва миллий ғоя

Миллий мафкурамизнинг асосий ғоялари оиласаримизни мустаҳкам килади. Демак, ҳар бир оила миллий ғоямизни бизнинг ғоя, деб маҳкам тутишни ўз анъанаисига айлантириши керак. Зоро ҳар бир хонадон, оиласа тинчлик бўлса, маҳалла, Юрт тинч бўлади. Ҳар бир оила равнакидан Ватан равнави ошади. Ҳар бир оила фаровон бўлса, халқимиз фаровон. Ҳар бир оила комил фарзанд тарбияласа, Ўзбекистон комил инсонлар юритига айланади. Оила, кўпиниларнинг ҳамкорлиги жамиятдаги ижтимоий ҳамкорликка куч беради. Оила фарзандларига миллатлараро тотувликини, динлараро бағрикенгликни сингдирса, жамиятда бу фазилатлар мукаммал бўлади.

Маърузадан ёшларимизни ахлоқсизлик, четдан кириб келаётган ҳар хил зарарли таъсирлардан, «коммавий маданият» никоби остидаги таҳдид ва хатарлардан асрашга даъват руҳи уфуриб туради.

«Табиийки, «коммавий маданият» деган никоб остида ахлоқий бузуклик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг хисобидан бойлиқ орттириш, бошқа ҳалқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни қўпоришшга қаратилган хатарли таҳдидлар одамни ташвишга солмай қўймайди», – деб огохлантириди бизни «Юксак маънавият – енгилмас куч» китоби.

Асримизнинг ана шу балосига балогардон ҳам аввало оила. Зоро, маърузада топиб айтилганидек, ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан етук, ўз мустакил фикрига эга, окни корадан ажратишга, тараққий топган давлатлардаги тенгдошлари билан беллашишга кодир бўлган баркамол авлодни тарбиялаш, уларнинг соғлигини асраш, хаётга йўллашда оиласнинг ўрнини ҳеч нарса билан баҳолаб бўлмайди. Ана шунинг учун ҳам оиласарнинг болалар боғчалари, мактаб, лицей, коллеж, институт, университетлар билан ҳамкорлигини янада кучайтириш давлат дастурида муҳим аҳамият касб этди.

²² Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаронон ҳаёт – пировард максадимиз. – Т.: “Ўзбекистон” нашиёти. 2000. 8-том, 502-503-бетлар.

«Оммавий маданият» гарбона карашлар, андозалар ва оммавий маданият намуналарини мунтазам равишда дунё халклари турмуш тарзи, онгига, улар ҳаётининг барча жабхаларига «экспорт» килишга интилоқда. «Оммавий маданият»ни истеъмол килганлар бузуклик, зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм, маънавий негизларга беписандлик каби бизга хос бўлмаган маънавий касалликларга чалинади.

Баъзан «Оммавий маданият бўлса, бу ҳаммабоп, яхши нарса эканда», - деб тушунгандар ҳам йўқ эмас. Аслида бу ном ҳам атайлаб, асл ният ва мазмунни никоблаш максадида шундай қўйилган. Бу ном остида лудомания, манипуляция, креолизация, «ақлни назорат килиш», «мияни ювиш», нейролингвистик программалаштириш(дастурлаштириш), медиавирус каби таҳдидлар пайдо бўлмоқда. Булар ёшларимизнинг оила ҳакидаги миллий тасаввурларига ҳам хуруж килаётir. Ўзбекона максад, ниятларини ўзгартмокчи. Эгаллаб олиб, назорат кilmokchi, бошкармокчи. Оилаларни бузадиган вирусларни киритаётir. Бизга ота-боболаримиз «яхши» деб ўргатган нарсаларни – ёмон демоқда. Ота-боболаримиз «ёмон» деб ўргатган нарсаларни – яхши, демоқда.

Мана уларнинг «таклифлари»: мухабbat бу – секс; меҳнат бу – бизнес; бировга яхшилик килиш бу – ресурсларни максадсиз сарфлаш; ҳаё, андиша булар – имкониятни бой бериш; ота-она ўғити – эскилик сарқити. Бу «таклиф»лар ёш оилаларни куритувчи вирус сепилган сунъий гуллар дастаси эмасми? Бу гулдастани ҳидлаган йигит-киз бобо-момоларига ўхшамайди. Ўзгаларга ўхшаб ўйлади. Ўзгалардек яшайди. Ўзгалардек тутум тутади.

Оила барча халкларнинг азалий қадриятлари маскани. Ундаги қадриятлар канча кенг кўлланса, миллат шунча соғлом, самимий, фароян, дўст бўларкан. Бунга руҳияти, анъаналари бизга ўхшаш япон халки яратган «япон мўъжизаси» яккол мисол. Бу мўъжиза сирларидан бири, хамиртурушини оиласдан олишди. Япон турмуш тарзи, миллий тарбияси, патернализм, оиласдан илиқлиқ, самимият, ғамхўрлик ва масъулият ишлаб-чиқариш муносабатларга кўчирилди. Қашшок Япония дунёning энг юксак ривожланган мамлакатига айланди. Хуллас, ўзликка, оиласий қадриятларни улуғлаб эришилган юксалиш бутун дунёни «Япон мўъжизаси» ҳақида сўзлатиб қўйди.

Бошқача килиб айтганда, японлар ўзбекларнинг «Бирлашган – ўзар, бирлашмаган тўзар» хикматига амал килиб, дунёning энг бой миллатларидан бирига айландилар. Президентимиз маърузасида миллий маънавий қадриятларни асос килиб олиб юксалишга даъват янга бир бор айтилди.

«Мустаҳкам оила йили» бизларни ота-боболаримизнинг хикматларига амал қилишпига чорляяпти. Бирлашган японларни оиласий анъаналари, ўз ақл ва ўз кўллари куткариб, юксалтириди. Биз ўзбеклар бунга азалдан эришиб келганимиз ва бугун ҳам бунга кодирмиз.

Демак, шундай бўлади.

Нима учун бузғунчи мағкуралар оиласларга сүқилиб киришга интилмоқда?

Чунки улар тарбиянинг мухим ва долзарб йўналиши – гоявий тарбия эканлигини, маҳалла – том маънода мағкуравий тарбиянинг илк асоси, пойдевори эканлигини яхши билишади? Шу сабабли хам бузғунчи мағкуралар айнан маҳаллага, оиласа ва улар оркали ёш авлодларга ўз гояларини сингдиришга интилмоқда. Жумладан, «Хизб ут-тахрир» партиясининг асосий максади – мусулмон давлатлари ўртасида «халифалик давлати» гояларини тарғиб килиб, келажакда ер юзида ягона исломий давлат тузиш, унга ҳамма мусулмонларни итоат эттириш, амалдаги конституциявий давлат бошқарувларини ағдаришга қаратилган. Бунинг учун асосан оиласларга кириб бориш, ўз маҳфий машғулотларини оиласларда ўтказиб, ота-оналар, aka-ука, опа-сингиллар онгини эгаллаш, уларга «Хизб ут-тахрир» гояларини сингдириб, уларда халифалик давлатининг тузилишига истак ва интилиш уйғотишига, яъни миллий тарбия мұхитини ақидапастлик тарбияси билан сикиб чиқаришга ҳаракат килмоқда.

Бу ҳақда «Хизб ут-Тахрир» рисоласининг 28-бетида очикдан-очик шундай ёзилган: «Хизб ўзининг фаолиятини уч босқичда белгилайди: Биринчи босқич: Ҳизбий ўюшма пайдо қилишда ҳизбнинг фикрати ва тарикатига имон келтирган шахсларни вужудга келтириш учун тарбиялаш босқичи»²³.

Ақиапарастларнинг ўз гоялари руҳида тарбиялашда ишлатётган – «дини ислом йўлида ота-онадан ҳам воз кечиб юбориш мумкин» деган гояси Пайғамбаримиз томонидан айтилган «Ота-оналарининг ҳар иккисини ёки бири бўлмагандага бошқасини рози килиб жаннати бўлиб олмаган фарзанд хор бўлсан, хор бўлсан ва яна хор бўлсин», деган хадисга мутлако зиддир.

Айрим камчиликларимиз

Ота-оналар ва ёшлар орасидаги мағкуравий профилактик ишларда яна бир салбий ҳолат кузатилмоқдаки, бу ҳам «вакт тифизлиги» синдроми билан боғлик. Бу ҳам бўлса, ота-оналарнинг ўз фарзандларидаги ижобий сифатларга эътиборсизлиги, уларнинг яхши рагбатлантирилмаслиги ва «тарбия» тушунчасини асосан ёшлардаги салбий сифат, камчиликларни тузатишга карата кўллашларидадир.

Ота-оналарга бу борада қандай тавсияларни бериш мумкин?

Ота-оналарга:

1. «Ахборот», «Давр» информацион таҳлилий дастурларини, тарбиявий мавзулардаги кўрсатувларни муттасил кузатиб боришни;

²³ Ҳашимжон кори ўғли Абдуллатиф кори. Залолатта кетман! /Хизбут-Тахрир фитнасидан огох бўлинг. – Т.д. «Моввоунинаҳр», 2003. 25-бет.

2. Газета-журналларга обуна бўлиш ва ижтимоий-сиёсий мафкуравий, мавзулардаги мақолаларни ўкиб бориши;
3. Фарзанди ўқиётган мактабдаги синф раҳбаридан фарзандининг характеристи, фикрлари сифатларидаги ўзгаришлар ҳакида сўраб туриши;
4. Қайнота-қайнона, бобо-бувиллардан ёш тарбиясига оид маслаҳатлар сўраб туришни;
5. Маънавий-ахлоқий, диний, тарбиявий мазмунга эга бўлган аудиокассеталарни аввало ўзлари зиштиб кўриб, кейин биргаликда кўришини ташкил қилишлари;
6. Боласининг нимани яхши, нимани ёмон кўришини кузатиб боришли;
7. Оилада, ёш дарсхонасида Ватан байроғининг бўлишини таъминлашни;
8. «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисолосини ва шу руқнидаги адабиётларни муттасил ўрганиб боришларини тавсия киласа бўлади.

Етти ғоя рўёби учун

Авлодлар давомийлиги, ҳаёт абадийлиги рамзи, урф-одатларимиз шаклланадиган ва уларни сайқаллайдиган муқаддас даргоҳ бўлмиш оила маънавиятнинг бешиги, таълим-тарбиянинг бошланғич нуктаси бўлиши билан бирга, жамиятнинг энг асосий бўғини ҳамдир. Шундай экан, жамиятда, ҳаётда рўй берадиган ҳар қандай ҳодиса ва ўзгаришлар оилада ҳам ўз аксини топмай қолмайди. Ёки аксинча, оила ҳаётида рўй берган энг кичик ҳодиса ҳам жамиятга бевосита ўз таъсирини ўтказиши табиий ҳол, албатта. Шунинг учун биз доимо жамият маънавияти, миллат маънавияти, ҳалқ маънавияти деғанда оила маънавиятини ҳам тушунмоғимиз лозим. Булар доимо бир-бирига боғлик ҳолда бўлади. Чунки жамиятнинг ҳам, ҳалкнинг ҳам, миллатнинг ҳам бирламчи кўриниши оиладир. Буни шундай ўхшатиш мумкин – мактаб ўқувчилари деганда бир неча синфларнинг ўқувчиларини, синф ўқувчилари деганда бир неча оилаларнинг фарзандларидан ташкил топган ўқувчилар жамосасини тушунганимиз каби, жамият деганда ҳам, бир неча оилалар жамланмасини тушундамиш.

Юкоридаги фикрларни бежизга эсламадик, албатта. Биз ушбу ўринда оиласда ғоявий тарбиянинг шаклланиши ва унинг жамият, миллат тараққиётига таъсири ҳакида фикр юритмокчимиз.

Ҳар кайси миллат ўзининг юксак тараққиётига эришиш учун аввало ўша миллат фарзандларининг ғоявий дунёқарашини, имон-эътиқодини юксалтириш лозим бўлади. Сабаби ана шу миллатнинг келажаги ўсиб келаётган фарзандларининг кўлида эканлигидадир. Шу маънода, «Ҳали суюги котмаган фарзандларимизни ўз ҳолига ташлаб кўйсанак, тарбияси, илми ва маънавияти билан шуғулланмасак, келажакда уларнинг комил инсонлар бўлиб етишмоғига ким кафолат бера олади? Биз жамиятимиз,

давлатимиз келажагини кимларнинг кўлига топширамиз»²⁴.

Дарвоқе, яна бир масала, кўп ҳолларда оила деганда ота-она ва фарзандлардан иборат жамоанигина тушунамиз. Аслида эса, оила эр хотинликдан бошланади. Яъни, янги келин ва куёв бу – энг кичик, энг янги оила. «Оила – эр хотинлик иттифоқига, кариндошлик алоқаларига, умумий хўжалик юритадиган эр ва хотин, ота-она ва болалар, ака-ука ва опа-сингиллар, бобо-бувиilar ва бошқа кариндошлар ўртасидаги муносабатларга асосланадиган кичик ижтимоий гурӯх, жамиятнинг асоси, давлат курдатининг манбай»²⁵ дир. Демак, оила икки ёки ундан ортиқ кишилардан ташкил топган жамоа экан. Бир неча оиласлар турухӣ эса жамияти ташкил этади.

Миллатнинг турмуш тарзи, миллий тафаккури ва асрий кадриятларини тартибга солиш оиласдаги турмуш маданияти, одоб-ахлоқ ва онгли яшаш тарзидан бошланади. Шуни эътиборга олган ҳолда, оиласларда фарзандларнинг таълим-тарбиясига, одоб-аклоқига, турмуш маданиятига – умуман, маънавий етуклиги ва баркамоллигига жиддий эътибор каратиш лозим бўлади. Бугун бола, эртага ўсмир, унинг эртасига ёш ва ниҳоят, ундан кейин мустакил бир оиласнинг асосчисига айланади. Шу билан бир вактда у жамиятнинг энг митти вакили ҳамдир. Демак, унинг маънавияти, мафкуравий карашлари, тафаккур тарзи жамиятнинг маънавияти, миллатнинг тараққиёти билан чамбарчас боғлик экан. Чунки ана шундай болалар, ўсмирлар, ёшлар ва оиласлар умумлаштанини жамият деб олдик. Шундай экан, ҳар бир оиласда фарзандларни юксак маънавиятли бўлиши, асосий foяларимиз руҳида тарбияланиши жамият маънавий тараққиётининг, миллат ва давлат равнакининг бошланғич нуктаси эканлигини унутмасак, бас. Маънавият ва мафкура эса бозордан сотиб олинмайди, кўчадан топиб олинмайди, балки «Маънавият инсоннинг қон-қони, суюксуягига йиллар давомида она сути, оила тарбияси, аждодлар ўгити, Ватан туйгуси, бу хаётнинг баъзида аччик, баъзида кувончли сабоклари билан катра-катра бўлиб сингиб боради»²⁶.

Агар, эътибор берсангиз, кўчада бирор-бир одам бошқа бир киши билан муносабатта киришар экан, саломлашишдан сўнг, аввал бир-бирининг, кейин оила аъзоларининг ҳол-аҳволини сўрайди. Нима учун? Чунки унинг тинчлиги ва осойишталигини ўзининг ҳам тинчлиги ва осойишталиги деб кабул киласди. Агар, кандайдир нотинчлик сезса, дарров ёрдам кўлини чўзади. Акс ҳолда, бу атрофдагиларга – жамиятга ҳам ўз салбий таъсирини ўтказиши мумкинлигини яхши билади доно ҳалкимиз. Умуман олганда, «Қўшнинг тинч, сен тинч» деган мақол бе-жизга айтилмаган. Худди шу каби, оиласлардаги маънавий-маърифий ҳолат ҳам бир-бирига таъсир этмай колмайди. Масалан, оддий курувчи ёки

²⁴ Каримов И. А. Ҳафсиёнлик ва баркарор тараққиёт йўлида: Т.б. – Т.: «Ўзбекистон», 1998. 11-бет.

²⁵ Маънавият. Асосий тушунчалар изоҳли лутуги. – Т.: Faafur Ғулом номидаги нашриёт уйи, 2009. 451-бет.

²⁶ Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас күч. – Т.: «Маънавият», 2008. 28-бет.

дехкон, чилангар ёки дурадгор ота ёхуд тикувчи ёки уй бекаси бўлган она бевосита қандай қилиб жамият тараққиётига ўз хиссасини қўшиши мумкин? Бунинг учун улардан кўп нарса талаб килинмайди, янги «Американи кашф қилиш» сўралмайди. Балки ўзларининг кундалик юумушлари, бурчлари ва вазифаларини сидкидилдан бажаришса, бўлгани. Хўш, Бош мақсадимиз бўлмиш Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш учун хизмат қиласидаган еттига асосий ғоямизнинг амалга ошиши, рўёбга чикиши учун ота-оналар нималар қилиши лозим? Бунинг учун куйидагиларга эътибор каратиш талаб этилади:

- Ватан равнакига ҳисса қўшиш учун оиланинг ҳар томонлама мустаҳкамлигини таъминлаш;
- юрт тинчлигига ҳисса қўшиш учун оиланинг тинчлигини таъминлаш, фарзандларни тинчликнинг қадрига етадиган, уни асрабавайлайдиган этиб тарбия қилиш;
- ҳалқ фаровонлигига ҳисса қўшиш учун, оиланинг фаровонлигини таъминлаш, ҳар бир оила аъзосида дахлдорлик фазилатини шакллантириш;
- комил инсон ғоясини рўёбга чикишига ҳисса қўшиш учун эса, фарзандларга чиройли таълим-тарбия бериб, маънавиятини юксалтириш ҳамда уларнинг баркамол инсон бўлиб етишишини таъминлаш;
- ижтимоий ҳамкорлик ғоясининг жамият ҳаётида ўз аксинии топишига амалда қўмаклашиш учун оила аъзоларининг ўзаро ахиллигини таъминлаган ҳолда, ижтимоий ҳамкорлик руҳида тарбиялаш;
- миллатлараро тотувлик ғоясини фарзандларга сингдириш учун ҳар бир оила аъзосининг бир-бири билан тотувлигини таъминлаш (аввал ўзаро тотув бўлса, кейин миллатлараро тотувлика харакат қиласи) ва миллатлараро тотувлик руҳида тарбиялаш;
- динлараро бағрикенглик ғояларининг жамият ҳаётида ўз аксини топишига амалда қўмаклашиш учун болаларда тўғри диний-маърифий тушунчалар ҳосил қилиш ва ҳар бир ғоянинг мазмун-моҳиятини, унинг инсон ва жамият тараққиётидаги ўрнини уқтириб бориш.

Зоро, «Бу муқаддас ғоялар, миллати ва эътиқодидан катъий назар, шу юртда, шу заминда яшаётган ҳар бир инсон, ҳар бир фукаронинг ҳаётига, онгига сингмоги, ҳар биримиз учун энг катта таянчга, энг катта ишончга, борингки, ҳакикий иймонга айланиши керак»²⁷.

Ана шуларни тўлаконли равишда амалга ошириш жамиятнинг, миллатнинг, давлатнинг ўз олдига кўйган мақсадини рўёбга чикишига бевосита ҳисса қўшган ҳисобланади.

Шу ўрнида, Юргашимизнинг куйидаги фикрларини келтириш жоиз: «Ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, ҳеч шубҳасиз, оиланинг ўрни ва таъсири бекиёсdir. Чун-

²⁷ Каримов И.А. Биз қуриш, яратиш йўлидан бораверамиз. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси III сессиясида сўзланган нутқ, 1995 йил 30 август.

ки инсоннинг энг соғ ва покиза туйгулари, илк ҳаётти тушунча ва тасаввурлари биринчи галда оила бағрида шаклланади. Боланинг характеристини, табиати ва дунёқарашини белгилайдиган маънавий мезон ва қарашлар – яхшилик ва эзгулик, олижаноблик ва меҳр-окибат, ор-номус ва андиша каби муқаддас тушунчаларнинг пойдевори оила шароитида қарор топишни табиийдир»²⁸.

Болалар ақлини таний бошлаган даврданок уларга яхши ва ёмонни ажратишни ўргатамиз. Демак, биз уларни бунёдкор ғоялар руҳида тарбиялашга интилмоқдамиз. Шундай экан, ҳар бир бола бугунги кунда жамиятга, мамлакатга, фарзандларимиз келажагига таҳдид солаётган ғояларнинг туб моҳиятини тушуниб етишлари, бунёдкор ғоялар ҳакида ўрганишлари ҳам айни мудда бўлади.

Атокли жадидчи боболаримиздан бўлган Фитрат ўзининг сермашаккат изланишлари самараси бўлган «Оила ёки оила бошқариш тартиблари»²⁹ деб номланган китобида оиланинг жамият ва инсон ҳаётидаги ролини оширишга доир, оила аъзоларнинг ахлоқий ва хуқукий меъёрлари, бурч ва вазифалари ҳакидаги мулоҳазаларни билдиради. Бу борада илмий тадқикот олиб борган олим М.Рахмонованинг ёзишича³⁰, Фитрат оиланинг инсон зотининг бардавомлигини таъминлаш, оила аъзоларининг турмуш шароити ва бўш вактини самарали уюштириш, оиласий мулкка ғамхўрлик, болаларни тарбиялаш каби муҳим ижтимоий вазифалари ҳакида кимматли фикрларни баён килган. Узокни кўра олган Фитрат миллатнинг тақдирни, келажакдаги ютуклари ёки муваффакиятсизлиги, баҳтли ёки баҳтсиз бўлиши ҳам унинг оиласида олган тарбиясига боғлик бўлишини уқтириб ўтади.

Фитрат уйланишнинг ҳар бир инсон учун шарт ва зарурлиги, унда кўплаб ахлоқий, хусусий ва умумий фойдалар борлигини кўрсатиб берар экан, ҳар доим тирикчилик ташвишлари билан банд бўладиган эркак киши, баъзан ҳаётдаги қийинчиликлардан тушкунликка тушади, шундай пайтда «агар у уйланган бўлса, умр йўлдоши бўлмиш хотини ва турмуш самараси бўлган фарзандлари билан учрашади, сухбат қиласи ва ҳар кандай кулфат ва кундалик ташвишларни унутади,»³¹ – дейди. Фитрат оиланинг осойишталик маскани эканлигига эътибор қаратади ва оиласи инсон «ўзини касб-хунарга уриши, ҳаракат, амал йўлига қадам қўйиши»ни уқтириб ўтади.

Шунингдек, Фитрат рисолада тўйларни ўтказиш масаласида ўз нуктаи назарини билдиради. Адиб тўйларни ўтказиш жараёнида инсон-парварлик, иззат-икром, меҳрибонлик, меҳмоннавозлик каби олижаноб

²⁸ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2008. 28-бет.

²⁹ “Оила” асари Фитрат томонидан 1914 йилда ёзилиб, 1915 йилда Бухорода нашр этилган. 2000 ва 2006 йилларда Ш. Воҳидов таржимида ва изоҳлари билан “Маънавият” нашриётида кайта чоп этилди.

³⁰ М.Рахмонова. Абдурауф Фитратнинг бунёдкор ғоялари. “Бунёдкор тоя тадқикотчиси” илмий тўплами. – Т.: 2007. 54- 59 б.б.

³¹ Абдурауф Фитрат. “Оила ёки оила бошқариш тартиблари”. – Т.: “Маънавият”, 2000 йил. Б. 15.

фазилатлар устивор бўлишини, инсон зотини қадрлаш, улуғлаш ва хурматлацида тўйларнинг ахамияти катта эканлигини уқтирадар экан, ипсонларни ортикча истрофгарчиликлардан сакланишига даъват этади: «Тўй муносабати билан ватаандош ёр-биродарлар бир жойда йигилиб, хурсандчилик килиб, самимий сухбат курсалар, албаттага мухаббат ва меҳрибонлик зиёда бўлади. Баъзилар ўртасидаги кек ва кудурат шу баҳонада йўқолади. Бунинг устига канча мискин, муҳтоҷ одамлар тўй несъматларидан баҳраманд бўладилар»¹². Фитратнинг бу фикри нафакат ўша давр, балки бугунги кунимизда ҳам долзарб мазмун касб этишини зътибордан соқит қиласмалик лозим. Чунки, **маблагни ва ноз-несьматларни истроф қилишилик – мукалдас динимиз томонидан ман қилинган, қораланган ҳолат бўлишидан ташқари, бугунги бозор иктисодиёти шароитида ва жаҳон инкирози юз бериб турган пайтда умуман кечириб бўлмайдиган ҳол, ҳатто ахлоқсизлик бўлиб хисобланади.**

Фитрат кўп ҳолларда ўз карашларини Куръон оятлари ва ҳадислардан ўринли далиллар келтириб баён килади. Бу унинг одамлар руҳиятини чукур билувчи руҳшунос инсон эканлигидан, колаверса, унинг нафакат дунёвий илмлар, балки диний илмлар билимдони эканлигидан далолат бериб турибди. Масалан: «Набий алайхиссалом деганларки, «Икки одам бир-биридан ўтиш учун тўй ва зиёфат килсалар, бирортасиникига борманглар, уларнинг таомларидан еманглар»; «Энг ёмон одам бойларни чакириб, бечораларни маҳрум килиб таом берган куёв бўлади». Афсуски, **тўйларни дабдабали қилиб ўтказиш бўйича «пойга қўйиш», «қимӯзар»га зиёфат бериш, ўткинчи ҳою-хавасларни деб тўйдан кейин қарздор ва абгор ҳолатта тушиб колиш ҳолатлари бизнинг замонамиизда ҳам учраб туради**. Фитрат **ғояларнинг бунёдкорлиги** эса одамларни бундай хунук оқибатларга олиб келадиган орзу-хаваслардан қайтармокчи эканлигига намоён бўлади. Ахир институтни тамомлаб, тайёр мутахассис бўлиб қолганда, уйланиш учун тез ва осон пул топиш илинжига чет давлатларга ишлашга бориб, у ерда ёвуз одамларнинг қулига ёки бегона, ёт ғоялар таъсирига тушиб колган, ёинки тузалмас касалликларга чалинган ёшлар шундай орзу-хаваслар курбони эмасми?!

Фитрат «Эр-хотиннинг қандай яшамоқлилари хусусида» деб номланган бобда, эркак ва аёлнинг, эр ва хотиннинг Аллоҳ наздида тенг бўлиб, уларнинг устулиги қайси жинс вакили эканлигига караб эмас, балки, **диний ва дунёвий илмларни кай даражада эгаллаганликлари, қандай ахлокий фазилатлар ва ижобий хислатларга эга эканликлари билан белгиланишини уқтиради**: «Биз хотинларимизни марҳаматта сазовор, инсофга лойик ва шафқатга ҳакли деб билмаймиз. Кўча ва бозорларда бизга етган алам ва зарарни уйга қайтиб хотиндан оламиз... Гўё Аллоҳ

¹² Абурауф Фитрат. «Оила ёки сила бошқарниш тартиблари». – Т.: «Маънавият», 2000 йил. Б. 31.

аёлларга хукук, эътибор ва фикрлаш фазилатини бермагандек.»³³

Фитрат баъзи бир золим ва жохил эрларга шунчаки насиҳат кор килмаслигини билгани учун, яна Қуръон оятларидан мисол келтиради: «Эрнинг хотинига нисбатан қандай хукуки бўлса, хотиннинг ҳам эрига нисбатан шундай ҳакки бор» ояти каримасидан маълум бўладики, Худо аёлларни эрларига кул килмай, балки эркакларга қанча хукуқ берган бўлса, шуни аёлларга ҳам ато килган³⁴. Бундан бир асрча олдин эркак ва аёлнинг тенг хукукларга эга эканлиги, уларнинг Аллоҳ наздида баробар эканлиги ғоясини баралла айтиш учун накадар буюк **маънавий жасорат** сохиби бўлиш кераклиги сир эмас.

Фитрат ўз асарида эркакларга мурожаат килиб, уларга ҳадислардан шундай таълим беради: «Аёлларга яхши муомалада бўлинглар»; «Энг комил мўминлар хушхулқ ва оиласи билан лутф ила муносабат қилади-гандардир. Ўз хотинларига тантн киши яхшилик килади ва номарди ёмонлик килади»; «Сизлардан энг яхшиларингиз ўз ахли аёли билан муомала килган кишидир. Мен ўз аёлларимга сизларга бўлганимдан ҳам кўра хушмуомаладаман»³⁵. Хуллас, Фитрат бу рисоласи орқали муштариylарга нафакат оиласи муносабатлардан, балки одамийлик илмидан ҳам сабок беради.

Фитрат «Оиланинг майшати ва идораси» бўлимида эр-хотиннинг вазифалари, бурч ва масъулиятлари ҳакида сўз юритади. «Эркаклар бор куч-кудратларини ишга солиб, пул топиб бир қисмини ахли аёллари эҳтиёжлари учун сарф килишлари лозим. Пули ва бойлиги бор кишилар бола-чакалари ва ахли аёллари нафакалари хусусида зиқналик килсалар, ёки оила аъзоларининг ўлмаслиги учун садака бериб, ўзлари бошқа жойларда майшат билан машғул бўлсалар, зулм ва инсофсизлик килишларига шубҳа йўқдир³⁶. Булар эса исломда куфр ва ҳаромдир». Зоро, инсонларни хушмуомалаликка, бағрикенгликка, муросага, яхши ахлоқ сохиби бўлишга чорлаш, уларни зулм ва ёмон йўллардан қайтарин – Фитратга хос хусусиятлардан бўлиб, ёшларимиз турли чет эл сериаларини томоша қилиш асносида улардаги баъзи бир миллатимиз учун ёт бўлган ғояларни ҳам беихтиёр қабул қилаётган бугунги глобаллашув шароитида адабнинг бунёдкор ғоялари оиласаримизни мустаҳкамлашда аскотиши табиийдир.

Фитрат аёл кишининг оиласадаги ўрни ва вазифалари хусусида ёзади: «Хотин – эрнинг завжаси, уйнинг идорачиси ва болалар тарбиячиси бўлиб, фарзандини меҳр билан ўстириш мажбуриятининг бир қисми унинг бўйнига тушади... Эри хизматдан уйга қайтса, хушмуомалалик килиб, меҳрибонлик кўрсатсан... Эр ҳам аёл тоифасининг заифлиги ва нозиклигини эътиборга олиб, шунга кўра муомала қилиши керак, имкон

³³ Абдурауф Фитрат. «Оила ёки оила бошқариш тартиблари». – Т.: «Маънавият», 2000. Б.33.

³⁴ Ўша аср, Б. 35.

³⁵ Ўша аср, Б. 36.

³⁶ Ўша аср, Б. 37.

кадар уй ишларида ёрдам бериши жоиз»³⁷. Мана шу парчалардан Фитратнинг ўзаро ишонч, хурматни улуғлаш, хушмуомалалик ва меҳрибонлик, бир-бирига ёрдам бериш каби бунёдкорлик ғоялари кўриниб турибди.

Фитрат «Оила» асарининг бир бобини – «Муросаю мадора» деб атаган бўлиб, бунда у эр-хотиннинг ҳаётлари давомида шодлик ва ғамни баҳам кўришлари, қийинчиликларни биргаликда енгишлари кераклиги ҳакида сўз юритади. Адид баъзан улардан бир иккинчисини ножўя муомаласи билан хафа килиб кўйиши мумкинлигини тушунтирас экан, шундай маслаҳат беради: «Эр-хотин қаттиқ муомала килиб, бир-бирини ҳафа килиб кўйса, бир томон ўзини зиштмаганга олсин ва жахлни ичига ютсин. Бошка куни эса ширин сўз ва ҳалимлик билан қаллиғита: «Кечакилган ҳаракатинг номуносиб эди, бундай ҳаракатларни бошқа килмагин», – деб тушунтиурсин. Ана шу яхши муомалани муросаю мадора дейдилар. Ислом дини, хусусан эркакларни муросага даънат килади. Хотин эрига бўлган муносабатда бир хатога йўл кўйса, унга авф кўзи билан караш, марҳамат кўрсатиб, муроса килиб яшаш лозим ва зарурдир... Агар уларга нисбатан меҳрингиз бўлмаса ҳам (сабр килинг ва яхши муомалани тарқ килманг). Зоро, Аллоҳ сизлар ёмон кўрган нарсада кўп яхшиликларни килиб кўйган бўлиши мумкин» (Куръони Карим. «Нисо» сураси, 19-оят). Фитрат рисолада эр-хотин муносабатларида бағрикенгликининг аҳамияти хусусида кўп тўхталади ва ҳаётий мисоллар билан уларнинг бир-бирига нисбатан кўпинча муросасиз эканликларини кўрсатиб беради: «Баъзан эр ошга ёғни кўп солдинг ёки гўштни куйдирдинг, деган арзимас баҳона билан хотинини уриб майиб килади. Баъзи аёллар ҳам арзимайдиган сабаб билан эрларини ҳалойик ўртасида шарманда киладилар.»³⁸ Фитрат домла бу сўzlари билан эр-хотин ўртасида келишмовчиликлар майдагаплик, жizzакилик, қўнгли торлик натижасида келиб чиқишини; қўнгли тор, тирноқ тагидан кир кидирадиган кимсаларнинг турмушида ҳаловат бўлмаслигини тушунтириб, агар инсонда бағрикенглик, кечиримлилик, авф хисси устивор бўлса, оила аъзолари баҳтли бўлади, – деган бунёдкор ғояни илгари сураяптилар.

Фитрат, шунингдек, оила мұхабbat асосида қурилмоғи лозим, – деган ғояни илгари суради. Мұхабbat бўлган жойда меҳр-оқибат, ўзаро хурмат, баҳт-саодат бўлади. Агар оила мұхабbat асосида эмас, балки отона хоҳиши билан қурилган бўлса, уни саклаб қолишининг фарзандлар етим бўлмаслигининг ягона йўли – муросаю-мадора бўлиб, у турмуш ўртоғининг камчиликларини, айларини кечиришда намоён бўлади.

Бугунги кунда, «коммавий маданият» таъсирига тушиб қолган баъзи бир ўшлар оиласвий ҳаётдаги иқтисодий ва маънавий қийинчиликларга чидай олмай, «характеримиз тўғри келмади», – деган баҳонани

³⁷ Абдурауф Фитрат. «Оила ёки оила бошқарниш тартиблари», – Т.: «Маънавийт», 2000. Б.39 - 40.

³⁸ Ўша всар. Б. 21.

рўкач килиб, турмуш чоррахаларида бир ёки бир нечта қоракўзни тирик етим килиб, эжралиб кетаётган бир шароитда, Фитрат домланинг бу асарини мактаб ўкувчилари, лицей ва коллежлар ҳамда олий ўкув юртлари талабаларига ўқитиш, шу асар юзасидан савол-жавоб кечалари, бахслар уюштириш – уларнинг нафакат ўз тақдирлари, балки оиласнинг бошқа аъзолари тақдирни учун ҳам ўзларини масъул деб хис этишларига, оиласнинг муносабатларга тийрак кўз билан бокишиларига олиб келади, – деб ўйлаймиз.

Фитрат «Оила» рисоласининг иккинчи кисмини бола тарбиясига багишилади. У фарзандни тўлақонли камол топтириб ўстириш масаласида кенг билимлар соҳиби ва ўткир мутахассис сифатида намоён бўлади. Майлумки, ҳар томонлама баркамол инсон уч жихатдан мукаммаликка зришган бўлиши керак: булар – жисмонан соғлик, ақлан етуклик ва маънавий баркамоллик. Агар инсонда шу сифатлардан бирортаси бўлмаса, у том маънода баркамол шахс бўлолмайди. **Бу – бугунги соғлом фикрли инсоннинг нуқтаи назари. Холбуки, Фитрат домла бу хуросага юз йиллар олдинроқ келган эди.** Адаб умуман тарбияни уч қисмга: 1) бадан тарбияси; 2) ақлий тарбия; 3) ахлок тарбиясига бўлади ва инсон хаётини кураш майдонига ўхшатиб, унда голиб чиқиш учун уч мухим нарса – тансихатлик, соғлом фикр ва яхши ахлок бўлиши шартлиги тўғрисидаги бунёдкор ғояни илгари суради.

«Дунёда бирор-бир одам йўкки, сиҳат ва офиятни бирор нарсага алмаштираса. Шу ҳам мукаррарки, салим ақл доимо соғлом баданда бўлади» – дейди аллома бобомиз. Бу фоя «соғ танда соғлом ақл» тарикасидаги ҳалқ мақолига жуда ҳам ўхшайди. Бинобарин, Фитрат ақлнинг тақомиллашуви билан бадан соглиги үртасида узвий боғликлек бор. – деб хисоблади. Соғлом ва ақли расо инсон эса, касалманд ва ақли нокис одамга нисбатан ўз юрти тараққиётига кўпроқ ҳисса қўша олишини Фитрат жуда яхши англайди ва ушбу бунёдкор ғояни бошкаларга ҳам утиримокчи бўлади.

«Бола тўккиз ой онанинг корнида тарбия топади, бинобарин, онага теккан ҳар хил беморликларга у ҳам хиссаманд бўлади. Ҳомила дунёга келгач, гўдак парвариши уларнинг сутлари оркали бўлади, шунинг учун улар соғликларини авайлаб, турли касалликлардан узоқда бўлиб юрсинларки, токи ўша касалликларнинг уруғи сут оркали маъсум гўдакларга ўтиб, уларнинг соғлигига ҳам хатар солмасин...» Фитрат ҳатто баъзи ёш оналар гўдакни қачон ва қандай овқатлантириши билмасликларини назарда тутган ҳолда, бир кунликдан бошлаб ўн ойликка бўлган чақалокни бир суткада неча марта овқатлантириш мумкинлиги, вакти ва меъёрини жадвал тузиб кўрсатган. Унда Фитрат бола она сутини меъёридан ортиқ истеъмол килиб касал бўлмаслиги учун, неча қошиккача сут бериш мумкинлигини тавсия этган.

Маърифатпарвар Фитрат болаларнинг доимий харакатчанлигини

тәммилаш ғоясини илгари суриб, бу хусусда шундай ёзади: «Харакат хамма учун, айникса, болалар учун жула зарурдир. Маълумки, болалар тез суръатда катта бўладилар. Ҳаракат ана шу ривожланни осонлаштиради, шунинг учун болаларни йўйинга машгул килиш фойдалидир. Ўйин уларга зарар етказмайди, балки бир жойда ўтиришининг зарари кўп тегади. Ўйиндан болани манъ килиш, уларни ҳаракатдан колдириб, ўсишига халал бериб, заиф, нимжон килиб кўяди». Фитрат бола саломатлиги учун зарур бўлган тозалик ва овқагланиш интизомига риоя килиш, тоза ҳаводан мунтазам баҳраманд бўлиш каби ўнлаб шаргларга тўхталиб ўтади: «Ота-оналар, муаллимлар болаларнинг юз-кўлини совунлаб ювиб, тишларини мисвок килиб, кийимларни алмаштириб туришларига эътибор беришлари лозим».

Унинг фикрича, «Болаларни ўзига ишонган, кучли, топкир, чаккон ва аклли килиб тарбиялани учун ўз кадр-қиммати, шаънини хурмат килиш рухини тарбия килмоқлик, шунинг билан бирга ён-атрофдаги одамлар билан ҳисоблашишни ўргатмок керак». Адибнинг бу сўзлари юртбошимизнинг «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта баҳтли бўлишлари керак», – деган шиорлари билан ҳамоҳанглигини сезиш кийин эмас. Шунингдек, Фитратнинг болаларда атрофдагилар билан ҳисоблашиш, яъни (толерантлик) хусусиятларини шакллантирувчи **бунёлкор ғояси** бизнинг замонамиз учун ҳам долзарб масала бўлиб ҳисобланади.

Фитрат фарзандларнинг келажакда қандай шахс бўлиб етишишлари, уларга оналари нима бера олганликларига боғлиқ бўлади. – деб уктиради. Унинг бу нуктаи назари хозирги кунимиз учун ҳам мухимлир. У ўз аса-рида: «Биз фарзандларимизни яхши хулк эгалари килиб тарбиялашимиз лозим, яъни улар имонли, фидокор, гайратли бўлиб улгайсинлар... Бу матлабга эришиш учун миллат оналари тарбия ва илм олиплари, ахлоқ ва билимларини камолга етказишлари лозим. Акс холатда хотинларимиз эркакларга нисбатан заифрок бўлганларидан болаларимиз уларга ўҳшаб кетадилар»³⁹. Яъни бу билан аллома эркак киши, яъни ота кўпинча давлат иши ва оиласи бокиши ташвиши билан кўпинча уйда бўлмайди; тарбияли, илмли, зукко она ўз фарзандини ўзи каби ижобий фазилатлар соҳиби килиб тарбиялаши; илмсиз, гайратсиз, жохил аёл ҳам фарзандини худди ўзи каби салбий хислатлар эгаси килиб кўйиши мумкинлигидан бизни огохлантиради.

Фитрат агар ахлоқий тарбия талаб даражасида бўлмаса, бола ўз акли ҳамда жисмоний кучини ўзи ёки атрофидагилар зарарига ишлатади, – деган ғояни илгари суради. Рисолада ўқ илдиз бўлиб ўтган **бунёлкор ғоя** шундан иборатки, **ахлоқий тарбия** аклли, фазилатли инсонни тарбиялашнинг энг мухим шартларидан бўлиб, **аклий тарбия** билан **уввий боғлиқдир**. Фитратнинг фикрича, ахлоқий фазилатлар аклий фазилатлар-

³⁹ Абдурауф Фитрат. “Оила ёки оила бошқариш тартиблари”, – Т.: “Маънавият”, 2000, 98-б.

дан ажралган холда мавжуд бўлиши мумкин эмас, тўла ва хакикий маънодаги ақлли киши албатта ахлоқли бўлади.

Фитрат барча асарларида дунёвий илмларни ўрганиш орқали жамиятни тараккӣй эттириш мумкинлигини таъқидлайди. Илмларнинг инсон камолоти, маданият ривожи, миллат истиқболида мухим аҳамият касб этишини, илмли **миллатнинг тақдирни ҳар доим ўз қўлида бўлиши** хакидаги **бунёдкор ғояни** илгари суради: «Инсонларнинг хаёт ғоялари икки дунёнинг саодати экан, унга бошловчи ва ўйналтирувчи ақли комиллар. Ақли комил (мукаммал ақл) эса **илм таҳсили ва билим олмок натижасида ҳосил бўлади**». Фитратнинг бу талқинлари ҳозирги давр талабларига жуда ҳамоҳанг бўлиб, унинг орзу - умидлари бутунги мустакиллик шарофати илиа рӯёбга чикмокда. Бугунги кунда ўқувчи ва талабаларимизнинг ўз ақлий имкониятлари билан фан соҳалари бўйича жаҳон миёсига чикканликлари, ўз истеъоддларини намойиш килаётганликлари айни ҳақиқат эмасми, ахир?

Бугун ёшларимиз интернет ва оммавий ахборот восьиталари орқали ҳар куни ранг-баранг ахборотларни қабул кильмоқда. Биз эркин демократик жамият қуриш ниятида эканмиз, ёшларимизга ниманидир кўришни тавсия килиб, ниманидир кўришларини таъқиқлай олмаймиз. Лекин айни пайтда, фарзандларимизни «оммавий маданият» никоби остида тарқатиляётган, улар маънавиятига салбий таъсир кўрсатаётган ахлоқсизлик, зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғоялари таъсиридан асрамасак ҳам бўлмайди. Бунинг учун ёшларни Ватанга муҳаббат, тарихимиз, тилимиз, мукаддас динимиз, миллий кадриятларимизга садоқат руҳида тарбиялашимиз, уларни бағрикент инсонлар ва мафкуравий иммунитети кучли шахслар килиб етиштиришимиз лозим.

Шундай килиб, Фитрат ўз асарларида оиласда руҳий хотиржамлик, самимий муносабат, болани севиш ва иззатини жойига кўйиш, кун тартибини йўлга кўйиш, боладаги мустакилликка интилиш ва ташаббускорлик сифатларини кўллаб-куvvatлаш каби кўплаб бунёдкор ғояларни илгари суради. Оиласаримизнинг маънавий-ахлоқий киёфаси бизга аждодларимиздан ўтган билим ва тажриба, маданий кадриятлар негизида барпо бўлар экан. бугунги глобаллашув шароитида биз миллий ўзлигимизни саклаб қолишида Фитрат каби алломалар асарларидаги бунёдкор ғоялардан ҳаётимизни яхшилаш, оиласаримиз осойишталигини саклашда тўлаконли фойдаланишимиз лозим, – деб ўйлаймиз. Айни пайтда фарзандларимизга, талабаларимизга Фитрат каби буюк аждодларимиз асарларини муголаа килиб, улардан завқ олишни ўргатишимиз, маънавий меросимиз ижодкорларининг пурмаъно ғояларини ҳаётга татбик этишимиз лозим бўлади.

МУТОЛАА

**Оила даврасидаги маърифий сухбатларда фойдаланиш
учун шеърлар**

АССАЛОМУ АЛАЙКУМ

Доно сўзлар доноси
Калималар ръноси,
«Сизга тинчлик!» маъноси:
– Ассалому алайкум.

Кулфи диллар очилгай,
Самиимият сочилгай,
Бегонани дуст килгай.
– Ассалому алайкум.

БОЛАМ ДЕРМАН

Болам деб бошладим сўзим, достоним болам дерман,
Умидим гунчаси, сўлмас гулистоним, болам дерман.

Болам бор – максадим бордир, худодан истагим ёрдир,
Менинг қадримни билгувчи, қадрдоним, болам дерман.

Ато килдик, хаёт сизга, бўларсиз деб нажот бизга,
Илохим кўрмагай дўйстлар пушаймоним, болам дерман.

Насиҳатга ковок солманг, кулок солинг, кокилмайсиз,
Йикилсангиз чекар фарёд, менинг жоним, болам дерман.

Ота-она чекиб захмат, умид бирлан бокар фарзанд,
Дегай: «Ўғил-қизим – шамъи шабистоним» болам дерман.

ТҮЙ БОЛА

Кўп сўраган эди Умиджон:
Дада, тўйим бўлади қачон?
Мана, бугун муроди хосил,
Чор тарафдан келибди меҳмон.

Тўй боланинг ўзи шириндур,
Ўзиданам сўзи шириндур.
Ўзи билан сўзига монанд,
Ўт чакнаган кўзи шириндур.

Тўй болажон, бошла хуш одат,
Билимли бўл, бокар саодат,
Она Ватан равнакин ўйлаб,
Кашфиёт кил – айла жасорат.

Тўй бола – тўй гули, лоласи.
Раксга тушар амма, холаси.
Йигирма йил ўтиб, бу тўйнинг
Тасвирини кўрар боласи.

Маънавий таҳдидларнинг «таржимаи ҳол»лари

ТЕРРОРИЗМ

Тайёр бўлса ошингиз,
Эга чикаман дарров.
Рахм килмайман сира,
Режамнинг бари – алдов.
Ортимдан эргаштириб,
Кўзларингиз ёшлайман,
Илинтириб тузокка,
Залолатта ташлайман.
Мен сизларни кўркитиб,
Ваҳимага соламан,
Агарда кўркмасангиз...
Ўзим кочиб коламан.

МИССИОНЕРЛИК

Максадим билдирмайман,
Ишни бошлайман аста.
Сирли сўзлар-ла авраб,
Сехрлайман бир пасда.
Ишонтираман сени
Ёлғон-яшик галимга,
Никоб тақиб оламан
Энди ўнгу чалимга.
Роҳат вайда киламан,
Лекин унинг ўзи йўқ,
Халқингдан ажратолсам,
Шунда бўлар кўнглим тўқ.

ГИЁҲВАНДЛИК

Гулдек очилган чоғинг
Кириб олсан жисмингга.
Йўлдан ураман сени.
Лойлар чаплаб исмингга.
Хаёгинги заҳарлаб,
Бахтингга чанг соламан,
Ажал томонга чорлаб,
Нақдингни хам оламан.
Дўстдек кўринаман-у.
Асли душман бўламан,
Ёш танингни сўлдириб.
Кейин ўзим ўламан.

«ОММАВИЙ МАДАНИЯТ»

Одамларни йўлдан урган
«Маданият» бўламан денг.
Ориятни йўқотаман
Жилмайиб, шимариб енг.
Вояга етаман ўзим,
Мўмай фойда бор жойда.
Йўлда эрур икки кўзим,
Максадим: кўпроқ фойда.
Қадрият душманимдир,
Йўқ киламан миллатни,
Адашган «мухлис»ларим,
Фазилат дер иллатни.

БУНЁДКОР ГОЯЛАР СЎЗИ...

ТИНЧЛИК РАМЗИ

Боболардан бизга мерос,
Тинчликка посбон юртим.
Бўлдинг, ободу озод,
Гулла, жонажон юртим.

Тинчликнинг рамзи бўлиб,
Балқи ўзбек байробги.
Ҳар қалбда мангу яшар,
Истиқболнинг маёғи.

ЮРТНИНГ ТИНЧЛИГИ КЕРАК!

Биз баркамол авлодмиз,
Юртга ишонч, канотмиз.
Дилда бор буюк истак,
Юртнинг тинчлиги керак!

Миллӣ ўзлик шонимиз,
Пахта, буғдой-нонимиз.
Ватан тану-жонимиз,
Юртнинг тинчлиги керак!

Тинчлик бу- хотиржамлик,
Юксалишу, бирдамлик.
Қалбимизнинг тўрида,
Уни асраромок керак!

(Мансур Юнус)

СОХИБҚИРОН ҲИКОЯТИ

Шахрисабздан беридан,
Хўжа Илғорнинг еридан,
Тўрағайдек амиридан
Шаҳодатли Темур бўлдим.

Саклади Оллох ўлимдан.
Үтди у ўнгу сўлимдан.
Ғаним чикканда йўлимдан
Жасоратли Темур бўлдим.

Илон бошин тишлаб уздим,
Кирк ковғали сувни суздим,
Салтанат расмини туздим,
Сиёсатли Темур бўлдим.

Жаҳолатни кўриб куйдим,
Жавонмардлик тўнин кийдим.
Ўзимни босафо туйдим,
Тариқатли Темур бўлдим.

Сатри Қуръони Каримга,
Мухаммад пайгамбаримга,
Пирларим, устозларимга,
Итоатли Темур бўлдим.

Иймонни хеч ухлатмадим,
Диёнатимни сотмадим.
Тарихга тошлар отмадим,
Зиёратли Темур бўлдим.

Жанг-жадалга кирганимда,
Бўлди хуш-кўзим ғанимда.
Ёнди оташ, ўт танимда,
Шижаатли Темур бўлдим.

Дедим: «Ўғил-қизинг миллат,
Онангнинг тилида тиллат,
Сакланур шунда юз, иффат
Башпоратли Темур бўлдим».

Ўтганимча бу дунёдан
Тилаб имонни Оллодан,
Сўраб билимни авлодан,
Заковатли Темур бўлдим.

Билинг, «Куч – адолатда» деб,
«Шунда эл саодатда» деб,
«Колмангиз жаҳолатда» деб,
Саодатли Темур бўлдим.

Мен ўлгач, эл пораканда,
Бўлиб банди, кийиб жанда,
Бу зулумотни кўрганда.
Надоматли Темур бўлдим.

Босди Туркистонимни ёв,
Оғли миллат қолди яёв.
«Темур!» леганин килди ов,
Маломатли Темур бўлдим.

Гар ётибман ер тагида,
Гўри Мирнинг зартагида.
Она Турон кўкрагида,
Махобатли Темур бўлдим.

Олти юз олтмишга кирдим,
Мустакил миллатни кўрдим.
Шодланиб, кўкракни кердим,
Ижобатли Темур бўлдим.

Олти юз олтмиш ёшимда,
Бахтли авлодим бошимда.
Айтди алёр эл кошимда,
Накоратли Темур бўлдим.

МИЛЛИЙ ҒОЯ

Халкимнинг максадини
Ифода этаман мен,
Орзуларга элтишга
Лойикман, етасан сен!

Агар менга ишонсанг,
Йўлда колиб кетмайсан,
Агар мендан адашсанг,
Якка колиб, нетгайсан?!

Буюк келажак якин,
Ана, кўрмоқда кўзим.
Машакқатли бўлса-да,
Унга элтгувчи – ўзим!

ВАТАН РАВНАҚИ

Ватан нима, биласиз,
Азиэларим, хойнахой!?
Топдингиз! У бизларга,
Аждодлардан колган жой.
Не-не буюк авлиё,
Рахнамолар ўттан юрт.
Абадийдир номи ҳам,
Ва асло бўлмас унут.
Не орзу бор, рўёбдур,
Агар у топса равнак,
Карант, амалга ошди!
Истагим бўлди барҳак.

ЮРТ ТИНЧЛИГИ

Йўқ бўлмасин тинчлик, баҳт.
Уни асраб қолайлик.
Равнак сари етаклаб,
Барчамиз кўл солайлик.
Локайд бўлмайлик хайҳот,
Ички, ташки душманга,
Гўзаллик берар ҳаёт
Иккови йўқ чаманга.

ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ

Халкнинг фаровонлиги –
Азалий максад эрур.
Лекин савол: бу ғоя
Қачон натижа берур?

Фаолият бошлийман,
Аввало, эркинликда,
Ривожланаман яна
Ободлик, тўкинликда.

Чор-атрофга бир қаранг,
Килсангиз бунга гумон,
Ҳаёт бўлар фаровон,
Ҳар ким кўтарса хирмон.

КОМИЛ ИНСОН

Комилликка эришган,
Оддий инсонман асли.
Менда бўлмайди сира
Иллатнинг бирор насли.
Лафзим ҳалол, қалбим пок,
Иродам ҳам мустахкам,
Нафсим менинг кулиму,
Сабр-тоқатдир акам.
Одатим яхшилигу,
Ниятларим эзгудир,
Ишонмасангиз агар,
Амалларим кўзгудир.

ИЖТИМОЙ ҲАМКОРЛИК

Интиламан аҳил, дўст
Жамият яратишга,
Турли қатламларни бир
Мақсадга қаратишга.

Орзуимдир ўзаро
Инок бўлсин инсонлар,
Йўқ эмас, кўпдир бунга
Шароиту имконлар.

Ахиллик – яхши одат,
Миллату дин, ирк аро,
Курашсин тинчлик учун,
Хар жойда ҳар фукаро.

Равнақи чун Ватаннинг
«Лаббай!» десак ҳар дамда,
Ижтимоий ҳамкорлик
Келар шунда ёрдамга.

ГАР МУАЛЛИМЛАР БҮЛМАСА

Бүлмас эрди сўзда маъно,
Гар муаллимлар бўлмаса.
Қайда окил, қайда доно?
Гар муаллимлар бўлмаса.

Ёнмагай эрди шамчирок,
Оқмагай ҳар уйда булок.
Йўлларингиз бўлгай узок,
Гар муаллимлар бўлмаса.

Болалар бўлгай дилозор,
Кенг жаҳонни айлагай тор.
Тўлдирап дунёни bemor,
Гар муаллимлар бўлмаса.

Айтаман устозга «Рахмат!»,
Мен учун чекканга захмат.
Йўқ эди шоир Мухаммад,
Гар муаллимлар бўлмаса...

АКАМ-УКАМСИЗ

Ота-онамдан қолган ёдгор,
Мехрибоним акам-укамсиз.
Сиздан яқин ким бор, кайда бор?
Жонажоним акам-укамсиз.

Саратонда сиз менга соя,
Қаҳратонда иссиқ химоя.
Шунинг ўзи менга кифоя,
Соябоним акам-укамсиз.

Мехрибоним қолмаганида,
Дўистлар алик олмаганида,
Харидорим қолмаганида,
Харидорим акам-укамсиз.

Болалик, ўтган кунимда ҳам,
Ғайратим кетган кунимда ҳам.
Карилик етган кунимда ҳам,
Мададкорим акам-укамсиз.

Опам, синглим, бўлманг норози,
Сизга ҳам кўп мақтовнинг сози,
Янграп жигарбандлар овози:
«Қадрдоним акам-укамсиз».

НАДОМАТ ЙЎЛИГА КИРМАНГ

Юриб бевакт, шароб ичманг,
Ўғирлик режасин бичманг.
Бировнинг молини ечманг,
«Ҳарорат» йўлига кирманг.

Экиб оғу, чекиб оғу,
Қилиб «парвоз», бўлиб «оҳу»
Тусиб кўлга, куйиб, догу
Надомат йўлига кирманг.

Элимда қонун устивор,
Адолат руҳи барқарор.
Қайда бор шундайин диёр!?
Жиноят йўлига кирманг.

Мухаммад! Нафсингни ўлдир!
Сўзинг маъно билан тўлдир.
Тўгри йўл – зинг якин йўлдир,
Омонат йўлига кирманг.

ЮРТ ТИНЧЛИГИ

Хотиржам уйғонамиз
Ҳар куни эрта тонгда,
Ҳавоси нафис, обод,
Гўзал Ўзбекистонда.

Осмонимиз мусаффо,
Бўлмасин зинхор хира,
Бу бегубор самодан
Кўз узгинг келмас сира.

Окшомми ёки қундуз
Шодон кезамиз йўлда,
Шахару кишлок, овул
Тоғ, адир ҳамда чўлда.

Кизу ўғил, ёш-кари,
Яшаймиз бехавотир,
Бизни кўриклар чунки
Ўғлонлар мард ва ботир.

Тилаб элга тўкинлик,
Ҳар ону ҳар паллада,
Ишлайди бободеккон
Тинч-осуда далада.

Кўринг, бизнинг фазода
Юртма-юрт учар учок,
Бизлар хурсанд хамиша,
Дўстларга очиб кучок.

Юрт тинчлиги шу эрур,
Етинг бунинг кадрига,
Огох бўлинг, чалғиманг,
Лоқайдликнинг мақрига.

ШЕЪРИЙ ТОПИШМОҚЛАР

1. Мен бир ажиб ғояман
Мафкура дер: бир кисмим,
Равнақ топган «коя»ман
Ватан исмим.

2. Юрт бўламан,
Хар кунни тинч бошлайсиз,
Ишончингиз баркарор
Шаҳдам қадам ташлайсиз.

3. Тадбиркорлик-ла бўлар
Ишингиз равонлиги,
Тўкин сочинман, исмим –
Халқнинг

4. Баркамол бўлгай, аник,
Менга интилган ёшлар.
..... ғояси,
Камолот сари бошлар.

5.хамкорлик,
Бизнинг халққа ярашар,
Бирлашган – ўзар, чунки
Бунинг мисоли – ҳашар.

6. Барча миллат дўст бўлар,
Мени шиор қилсангиз
Исмим миллатлараро
.....дир билсангиз.

7. Бизлар ахилмиз, чунки
Бир ватан фарзандимиз,
..... бағрикенг,
Аждодлар дилбандимиз.

МУНДАРИЖА

Президентимиз оила хақида	4
Сүз боши	7
Йил хикмати.....	8
Оила – масъулият макони	16
Аёл	24
Миллий тарбия – оила мустаҳкамлигининг асоси	29
Мустаҳкам оиланинг миллий ғоямиз рўёбидаги ўрни.....	38
Мутолаа (шеърлар).....	51

6000c

М.ҚУРОНОВ, О.БАЗАРОВ

Оилам мустахкам бўлсин, десангиз...

«Сано-стандарт» Тошкент, 2012

Нашр учун масъул *М.Умирова*
Муҳаррир *А. Тилавов*
Мусаххих *О. Мусурмонқулов*
Техник муҳарир *М.Косимова*

Наш.лиц. № А1 177, 03.01.2011.

Теришга 02.09.2012 йилда топширилди. Босишига 29.10.2012 йилда
руҳсат этилди. Бичими: 60x84 ¹¹⁶. Офсет босма. Таймс гарнитураси.
Шартли б.т. 3,72. Нашр б.т. 4,38. Адади: 10000. Буюртма №1396.
Баҳоси шартнома асосида

«Сано-стандарт» нашриёти, 100190, Тошкент шаҳри,
Юнусобод-9, 13-54. E-mail: sano-standart@mail.ru

«Сано-стандарт» МЧЖ босмахонасида босилди.
Тошкент шаҳри, Широк кӯчаси, 100-уй.
Телефон: (371) 228-07-94, факс: (371) 228-07-95